

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ  
ВАЗИРЛИГИ САМАРҚАНД ДАВЛАТ ЧЕТ ТИЛЛАР ИНСТИТУ  
РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ  
САМАРҚАНД ДАВЛАТ ЧЕТ ТИЛЛАР ИНСТИТУТИ

**ЎЗБЕКИСТОНДА ХОРИЖИЙ ТИЛЛАР ТАРАҚҚИЁТИНИНГ  
СОЦИОЛИНГВИСТИК ТАҲЛИЛИ**

УДК 42:37(575.1)

(юююююююююююююююю)

ТАРЖИМОНЛИК ФАКУЛТЕТИ МАГИСТРАНТИ ДАМИНОВ НАВРУЗ  
КУДРАТОВИЧНИНГ магистрлик даражаси олиш учун бажарган  
ДИССЕРТАЦИЯ ИШИ

Диссертация иши таржима назарияси  
ва амалиёти кафедрасининг 2013 йил  
“ \_\_\_\_ ” май йиғилишида муҳокама қилинди  
ва ҳимояга тавсия этилди.  
Баённома №

Кафедра мудири:

А.Сайфуллаев

Самарқанд – 2013

## МУНДАРИЖА

<b>Кириш.....</b>	<b>3</b>
<b>I БОБ. Тил тараққиётида социолингвистиканинг ўрни</b>	
1.1. Социолингвистика тушунчасининг этимологияси.....	9
1.2. Тилнинг социал ва ҳудудий дифференциацияси.....	20
<b>II БОБ. Хорижий тилларни ўргатишнинг коммуникатив асослари</b>	
2.1. Диахрон социолингвистиканинг муамолари.....	30
2.2. Хорижий тилларни ўргатишнинг ўзига хос хусусиятлари.....	35
<b>III БОБ. Ўзбекистонда хорижий тиллар тараққиёти</b>	
3.1. Ўзбекистонда чет тилларини ўрганишни такомиллаштириш.....	47
3.2. Ўзбекистон таълим тизимида инглиз тили фани ўқитилиш даражаси.....	54
3.3. Инглиз тилини ўқитишда замонавий инновацион методлардан фойдаланишда педагогик моҳаратнинг роли.....	60
<b>Хулоса.....</b>	<b>76</b>
<b>Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....</b>	<b>80</b>

## КИРИШ

*«Тилимиздаги меҳр-оқибат, меҳр-муҳаббат, меҳр-шавқат, қадр-қиммат деган, бир-бирини чуқур маъно-мазмун билан бойитадиган ва тўлдирадиган иборалар бор. Қанчалик галати туюлмасин, бу ибораларни бошқа тилларга айнан таржима қилишининг ўзи мушкул бир муаммо».*

***Ислон Каримов.***

XX асрнинг иккинчи ярмида тилшунослик фанида сезиларли ўзгариш юз берди. Тилшуносликда бир қанча илмий фан соҳалари пайдо бўлди, лингвистик прагматикани ўз ичига олган коммуникатив тилшунослик шулар жумласидандир. Лисоний фаолият кенг миқёсда, турли омилларга боғлиқ ҳолда ўрганила бошланди. Нутқий мулоқотда (матнда) инсон (шахс) фактори муҳим рол ўйнашига аҳамият берилди. Тил тизими ва нутқий фаолият маҳсули бўлган матн қурилишини шу пайтгача филологик нуқтаи назардан таҳлил қилиб келинётган тилшунослик доираси эндиликда идрок этиш, билиш, тушуниш, таҳлил қилиш фаолиятларига доир тушунча ва категориялар билан кенгайди. Тилшунослик яна бир соҳа-когнитив лингвистика соҳаси билан ўзини бойитди. Таржима назариясига ҳам когнитив тилшунослик нуқтаи назаридан ёндошила бошланди. Таржима фаолиятида когнитив диссонанс (билиш тизимидаги мос келмаслик) тушунчаси пайдо бўлди.

Халқи маърифатли, жаҳон илм-фани ва маъданиятидан хабардор мамлакатнинг равнақига равнақ кўшилаверади. Шу боис кейинги йилларда Ўзбекистон раҳбарияти жойларда илм-фанни, биринчи галда, универсал олий таълимни ривожлантириш учун барча чора-тадбирларни кўра бошлади. Бу мақсадларга катта миқдорда маблағ ажратилди. Хорижий мамлакатлар билан илмий – техникавий таълим соҳасида ҳамкорлик тобора чуқурлашиб борди. Шубҳасиз, бу тадбирлар мазкур тизимда кескин бурилиш яшаш, ҳозирда мамлакатни юксак малакали ёш билимдон мутахассислар билан таъминлашга имкон берди.

*Таълимимни тарбиядан, тарбияни эса таълимдан ажратиб бўлмайди – бу шарқона қараш, шарқона ҳаёт фалсафаси.* [ 2 :62]

Таълим тизимидаги ислохотлар бошланган дастлабки йилларда жаҳон тажрибаси ва ҳаётда ўзини кўп бор оқлаган ҳақиқатдан келиб чиқиб агар бу мақсадларимизни мувофақиятли равишда амалга ошира олсак, тез орада ҳаётимизда ижобий маънодаги “портлаш эффекти”га, яъни, янги-янги таълим моделининг кучли самарасига эришамиз – деган эди президент Ислам Каримов ўзларининг “Юксак Маънавият енгилмас куч” асарларида.

Давлат тилининг халқаро миқёсда ҳам фаол мулоқот воситасига айланиб бораётгани эътиборлидир. Хусусан, хорижий мамлакатлар раҳбарлари билан бўладиган учрашув ва суҳбатлар, музокаралар, тегишли ҳужжатларни имзолаш маросимларида, нуфузли саммитларда, расмий матбуот анжуманларида ўзбек тилининг ўрни ва аҳамияти ортиб бораётгани ҳаммамизга фахр-ифтихор бағишлайди. [2:86].

XX асрнинг 60-йилларидан бошлаб тилшунослик тил бирликлари бўлмиш фонема, морфема, лексема (сўз) гапларни ўрганишни умуман тугатиб, гапдаги катгароқ бирликлар ҳам борлигини қайд этди. Уларни мазкур фанда синтактик бутунлик, хат боши, дискурс ва матн атамалари билан аташди. Ҳозирги вақтда тилнинг энг ката бирлиги матн деб топилди. Матнни бир бутун бирлик сифатида ўрганиш рус тилшунослари томонидан XX асрнинг 30-йилларида бошланган эди. Рус олимлари А,В Пешковскийнинг «Русский синтаксис в научном освещении» (М. 1934), В.В.Виноградовнинг «О художественной прозе» (М., Л., 1930) ва бошқалар матннинг ўзига хос хусусиятлари борлигини, тилнинг бошқа бирликларидан ўзининг майл хусусиятлари, шахс маъносини ифодалаши, матндаги шахс маъноси билан муаллиф шахси орасидаги боғлиқлик, узвийлик борлигини исботлашга кўп куч сарфлашди. Бу асарлар фақат рус тилшунослигида эмас, балки умумий тилшунослик тарихида муҳим аҳамиятга эга бўлиб, ҳозирги замон тилшунослигининг ривожланишига ҳам ўз ҳиссасини қўшмоқда.

Мазкур битирув малакавий ишимиз хорижий тиллар ўрганилишининг социолингвистик таҳлилига бағишланган бўлиб бугунги кундаги долзарб масалалардан бири бўлган ёш кадрлар ва ўқувчи ёшларга инглиз тилини ўқитишни қай даражада амалга оширилаётгани тўғрисидаги айрим маълумотларни ўз ичига қамраб олган. Шу билан бирга мазкур иш бугунги кунда Ўзбекистон ва бошқа давлатлар илм-фани учун янги фан сифатида кириб келган социолингвистика ва унинг айрим муаммолари ва таҳлилига бағишланади.

**Мавзунининг ўрганилганлик даражаси:** магистрлик ишимизнинг метадологик асоси сифатида таржима назарияси ва амалиёти, инглиз тилшунослиги, ўзбек тилшунослиги соҳаларида изланиш олиб борган ва олиб бораётган ўзбек ва чет ел тилшуносларининг ишлари ўрганиб чиқилди. Тилнинг социал дифференциацияси, унинг стратификацияси Арабаджян М.А., Белл Р.Т., Брайт У., Брум Л., Волошин Ю.К., Головин Б.Н., Гюббенет И.В., Ерофеева Т.И., Ивушкина Т.А., Карасик В.И., Курченко Л.Н., Устинова Л.И., Швейцер А.Д., Сафаров Ш.С. каби олимларни қизиқтириб келган. Демокрацизациянинг фаол жараёни натижасида тилдаги социал тафовутга бағишланган кўплаб инкор қилиб бўлмайдиган даражадаги илмий ишлар қилинмоқда. Сўнги йилларда олиб борилган изланиш шуни кўрсатадики, ҳар бир инсон ўзининг социал статусидан келиб чиққан ҳолда сўзлашар экан. Бу эса социал муҳитнинг тоборо кенгайиб боришига сабаб бўлмоқда.

Шу жиҳатдан олганда, мазкур битирув малакавий ишимизнинг мавзусининг **долзарблиги** инглиз тили жаҳон тили эканлигидан келиб чиққан ҳолда мамлакатимиз миқёсида хорижий тилларнинг ўрганилиш статистикаси ва ривожланишини тадқиқ қилиш иборатдир. Ўз-ўзидан ишимиз давомида бир қатор социолингвистик муаммоларга ҳам тўхталиб ўтамиз. Бу муаммоларни ҳал қилиш мақсадида ишлаб чиқилган назариялар билан танишамиз. Шу орқали танланган мавзунинг муҳимлигини яна бир бор исботлаган бўламиз.

Юқоридаги фикрлардан келиб чиқиб битирув малакавий ишимизнинг **мақсадларини** қуйидагича изоҳлаш мумкин:

- Ўзбекистонда чет тилларнинг ўқитилиш жараёнини тўлиқ ўрганиш ва таҳлил қилиш;

- Чет тилларни хусусан инглиз тилини ўргатишда фойдаланилаётган педагогик методларни кўриб чиқиш ва янгиларини муҳокама қилиш;

- Ўзбекистондаги таълим муассаларида инглиз тилини ўргатиш жараёнининг ютуқ ва камчиликларини кўрсатиб ўтиш;

- Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора тадбирлари тўғрисидаги 10.12.2012 санасидаги Ўзбекистон республикаси Президенти И.Каримовнинг қарори билан яқиндан таништириш;

- Инглиз тилини ўқитишга янгича ёдашган ҳолда унга прогрессив фикрлар бериш;

- Тилнинг социал статусининг даражасини кўриб чиқиш

Бизнинг магистрлик ишимизнинг изланиш **объекти** сифатида хорижий тилни ўрганишда социолингвистик таҳлилнинг ўрни олинди.

Ўзбекистонда хорижий тилнинг ўрганилишини такомиллаштириш тадқиқот ишимизнинг предмети ҳисобланади.

Битирув малакавий ишимизнинг **янгилиги**, яъни фарқли жиҳати шундаки, социолингвистика ёш фанлар сирасига киради, шунга кўра унинг таҳлил йўналиши чегараланмаган.

Ишдан **кутилаётган натижаларга** тўхталадиган бўлсак, тадқиқот ишимиз асосида мамлакатимиз миқёсида хорижий тилларни хусусан инглиз тилини ўрганишни ривожлантиришда янги инновацион усуллардан фойдаланишни кенг йўлга қўйишга хисса қўшамиз. Шу билан бирга мамлакатимиз худудларидаги таълим муассасаларида анъанавий ўқитиш методларидан янгича интерфаол методларга ўтилишидаги баъзи статистик маълумотларни бериб ўтишда намоён бўлади.

Диссертациямизда бир неча тадқиқот методларидан фойдаланилди: Анкета-сўров, суҳбат, кузатиш ва бевосита амалда иштирок этиш методларидан фойдаланилди.

Шу билан бирга тилни ўрганишда қўлланиладиган методларга ҳам тўхталиб ўтдик. Уларнинг авзалликлари кўрсатиб ўтилди.

***Ишнинг назарий аҳамияти.*** Ишимиз давомида кўплаб тилшунос олимларимизнинг фикрларини кўздан кечириб чиқдик. Уларнинг тадқиқот ишимизга бевосита боғлиқ жойларини назарий факт сифатида киритдик ва шулардан келиб чиқиб ўзимизнинг гипотезаларимизни яратдик.

Малакавий иш таркиб жиҳатдан 84 саҳифадан иборат бўлиб, у кириш қисми, уч боб, хулоса, адабиётлар рўйхатидан иборат.

Биринчи боб социолингвистика фанининг этимологияси, унинг бошқа фанлар билан боғлиқлиги хусусидаги назарий маълумотлардан ташкил топган. Бундан ташқари мазкур бобда тилнинг жамиятдаги ўрни ва унинг ўзига хосликларига бағишланган.

Иккинчи боб иккита режадан ташкил топган бўлиб унда диахрон социолингвистика ва хорижий тилларни ўрганишнинг ўзига хос хусусиятлари хусусида сўз боради.

Тадқиқот ишимизнинг учинчи бобида Ўзбекистон миқёсида инглиз тилини ўқитиш ва ўрганиш даражаси хусусида сўз боради.

Адабиётлар рўйхатидан ўтган асримизнинг салмоқли назарий китоблари билан биргаликда сўнги йилларда яратилган энг кенг тарқалган назарияларга бой адабиётлар ўрин олган.

Бир неча йиллардан бери мукамал, элитар тил мавжудлиги ҳақида турли қарашлар ўз исботини топиши йўлида изланишлар олиб борилмоқда. Рус олими О.Б.Сиротинанинг таъкидлашича бугунги кунда “Элитар лисоний қиёфа” термини тилшуносликда кенг тарқалмоқда.

Сўнги йиллардаги изланишлар шуни кўрсатяпдики адабий тил шаклланишида социал муҳит ва жамиятдаги алоқа муносабат муҳим рол ўйнаб келмоқда. Биргина инглиз тилининг дунё миқёсида шу даражада

ўрганилиши, тилнинг узоқ тарихга боғлиқлиги ва дунёга машҳур бўлган Кембриж ва Оксфорд университетларининг XI-XII асрлардан токи бугунги кунгача фаолият кўрсатиб келаётгани инглиз тилининг социал аҳамиятини белгилаб беради деб таъкидлайди тилшунос олим Т.А. Ивушкина.

# 1. БОБ. ТИЛ ТАРАҚҚИЁТИДА СОЦИОЛИНГВИСТИКА ЎРНИ

## 1.1. Социоллингвистика тушунчасининг этимологияси

Инсоният тарихидан то ҳозирги кунгача бўлган даврда таълим ва тарбия шахс қолида ўзининг муҳим ўрнини эгаллаб келган. Шу боис инсонлар ҳамма замонда ҳам турли сабабларга кўра бир-бири билан мулоқотда бўлишга интилишган ва бунда тил муҳим рол ўйнайди.

Ҳозирги замон социологик тармоқлар тизимида **жамоатчилик фикри ва уни ифодаловчи тил** муҳим ўрин тутди ва катта аҳамиятга эгадир. Жамоатчилик фикри социологияси ижтимоий ҳаётдаги барча соҳалар ва умумназарий, методологик ва хусусий социологик мактаблар билан бевосита боғлиқликда иш тутди.

Социология – (лат. *societas* – жамият ва ... логия сўзларидан; франц. – *sociologic* – жамият ҳақидаги таълимот) – умумий ҳамда хусусий системаларнинг яшаши ва тараққиёти қонунлари ва ҳаракатлантирувчи кучлари тўғрисидаги фан.

Социология жамиятдаги турли ҳодисалар ва уларнинг ўзаро алоқасини, жамият ва табиат ўртасидаги ўзаро таъсирни ҳамда кишиларнинг ижтимоий хатти-ҳаракати умумий қонуниятлари ва элементларини ўрганади. Социология хилма-хил илмий методлар ёрдамида мавжуд ижтимоий муносабатларни тадқиқ этиб уларнинг ривожланиш тенденцияларини олдиндан кўра билиши билан идеал жамиятлар тўғрисидаги ҳаёлий назариялардан тубдан фарқ қилади. Социология ўз тадқиқотлари натижаларидан социал жараёнларни бошқаришда фойдаланади. Социология иш олиб боришига кўра фарқ қилади. Бу фарқ фалсафий характерда бўлиб, унда муаян синф манфаати ифодаланади. Синфий манфаат конкрет тадқиқот объекти ва методика танлашда, шунингдек социологиянинг шахс ва жамият ҳақидаги бошқа фанлар билан ўзаро муносабатига ҳам таъсир кўрсатади.

Социология мустақил фан сифатида XIX асрда шаклланган (Социология терминини О. Конт киритган), лекин унинг айрим элементлари қадимги кўп фалсафий таълимотларда мавжуд бўлган. Хусусан, қадимги

юнон файласуфлари ижтимоий ҳаёт, тарихий тараққиёт туғрисида турли ғояларни илгари сурганлар. Ўрта осийлик мутафаккирлар (Фаробий, Ибн Сино, Беруний) асарларида ҳам жамият, унинг яшаши ва ривожланиши ҳақида муҳим фикрлар билдирилган. VIII асрда кишилик жамияти, унинг қонуниятларини ўрганувчи мустақил фан сифатида тарих файласуфияси шаклланди. XIX асргача социология файласуфияни таркибий қисми бўлиб келди. XIX асрнинг бошларидан ўзига хос илмий методларга эга бўлиб, файласуфиядан ажралиб чиқа бошлади. Социологлар бошқа махсус фанларга хос айрим назария ва ғоялардан фойдаланиб, уларни жамият ҳодисаларига кўр-кўрона татбиқ эта бошладилар. Масалан Спенсер биологик организмларнинг ривожланиш қонуниятларини жамият тараққиётига, социал-органик дунёдаги ҳаёт учун кураш қонуниятларини жамиятга татбиқ этдилар. Лекин бундай ҳолат ижтимоий тараққиётдаги реал жараёнларни бузиб акс эттиришга олиб келар эди. Умуман бугунги кунгача бўлган социологик назариялар ижтимоий ҳодисаларни идеалистик, метафизик талқин қилиб, тарихий воқеалар сабабини одамларнинг ички интилишларидан излар, жамият тараққиётини белгиловчи моддий ишлаб чиқариш ва ишлаб чиқариш муносабатларини, халқ оммасининг тарихдаги ролинини инкор қиларди. XIX аср социологиясига позитивизмнинг таъсири кучли бўлган.

Бевосита XX асрга келиб бу фан тилшуносликка ҳам алоқадор жиҳатлари борлиги ўрганила бошлади. Тилшуносликда бир неча социологик гипотезалар пайдо бўлди.

Замонавий тилшуносликда кўп йиллардан бери ўрганилиб келинаётган тил ва нутқ масаласи ҳали тадқиқ этилишда давом этиб келмоқда. Бу борада кўплаб социалингвистлар ҳам тадқиқот ишлари олиб борган бўлиб, уларни таъкидлашча нутқда социал характеристиканинг ўрни ҳам муҳим ҳисобланади. Ўтган асрнинг 60-йилларигача социал статусга асосланиб аёл ва эркак нутқи обектив ўрганила бошлади. Бу тадқиқотни Р.Лакофф,

Б.Прайслер, Ф.Смит, Д.Камерон, Дж.Коутс, Е.Коскас, Ж.Кристева, М.Ягелло, В.Эбишер каби олимлар олиб боришди.

Шундай қилиб, мураккаб умумий ва хусусий социологик фанлардан иборат бўлган замонавий социология тизими уни кўплаб ижтимоий-гуманитар фанлар билан кенг алоқаларни тақозо этади. Бу алоқалар ҳам умумметодологик босқичда, ҳам махсус хусусий фанлар ва илмий йўналишлар бўйича олиб борилади, бу эса уни замонавий ижтимоий-гуманитар фанлари тизимидаги ўрнини аниқлаб беради.

Социолингвистика фанининг тараққиёти кўп жihatдан унинг турли филологик таълим босқичларида ўқув жараёнига татбиқ этилишига боғлиқ. Умумий тилшунослик курсларида (“Тилшуносликка кириш”, “Умумий тилшунослик”, “Лингвистик назариялар тарихи” ва хк.) социолингвистика замонавий тилшуносликнинг бир йўналиши сифатида кўриб чиқилади ва талабалар бу фаннинг умумий жihatлари билан танишишади холос. Ижтимоий тилшуносликнинг муаммоси, тарихи, терминологик-тадқиқот тизимининг ишланмаганлиги, қардош фанлар материалларининг социолингвистик тахлили тўлиқ очиб берилмаслиги, нафақат социолингвистика, балки филологик предметларнинг кўпчилигини ўқитиш сифатига таъсир қилади. [54: 3 б]

Социология ижтимоий-гуманитар фанлари иерархиясида энг юқори босқични эгаллайди. Фалсафа ва тарих билан биргалиқда, у ижтимоий фанлар тизимининг умумметодологик негизини шакллантиради.

Лекин шу билан бирга ушбу тизимда жамият ривожтаниши қонуни ва қонуниятларини ўрганувчи умумфундаментал бўлган фалсафанинг алоҳида ўрнини таъкидлаб ўтиш лозим. Бундан ташқари социология бугунги кунда тилшунослик фанига ҳам ўз таъсирини кўрсатган ҳолда янги – социолингвистика фанини ташкил қилди.

Социолингвистика – тилшуносликнинг бўлимларидан бири бўлиб, тил ва унинг жамиятдаги ўрни ва ролини ўрганади. Социолингвистика тилшуносликнинг психолингвистика ва этнолингвистика каби фанлари билан

чамбарчас боғлиқдир. Социоллингвистика дастлаб 1920 йилда Афанасий Селишев томонидан илм оламида қўлланилган бўлса, 1950-1970-йилларда Уриэль Вайнрайх ва Уилиям Лабовлар томонидан ривожлантирилган.

Социоллингвистиканинг асосий мақсади - у ёки бу жамоани ташкил этган одамлар тилдан қандай фойдаланишлари на шу тил фаолият кўрсатаётган жамиятдаги ўзгаришлар тил тараккиётига нечоғлик таъсир кўрсатишини ўрганишдан иборатдир. Бу мақсадлар социоллингвистиканинг икки асосий муаммоси - тилнинг ижтимоий фарқланиш муаммоси ва тил тараккиётининг ижтимоий шартланганлиги муаммоси билан мос тушади. [54:116.]

Социоллингвистиканинг предмети кенг қамровли тушунчалар ташкил этиб, уларга тил ва миллат, миллий тилларнинг тарихий катигория сифатида намоён бўлиши, тилнинг социал дифференциацияси, лисоний ва социал структуранинг ўзаро боғлиқлиги, тил ҳодисаларининг типологияси, кўп тиллиликнинг социал аспекти кабилар киради. Бу каби қарашлар билан бевосита “Тил ва миллат” тушуналари ҳам боғлиқ бўлиб улар миллатнинг социал муносабатини тўғри ташкил этишга ёрдам беради ва уни маълум меёрларга солиб туради. Бу эса ўз навбатида яна бир қатор тушунчалар пайдо бўлишига сабаб бўлади. Тилнинг мавжудлиги маълум бир лисоний ҳолат ва тушунчалар – регионал қўлланиш, худудий ва социал диалект ва уларнинг этник келиб чиқишига таянади.

Бугунги кунда социоллингвистик вазиятларни тадқиқ қилиш кузатиш объектларининг конкретлиги билан кузатишлар, текширишлар, аниқликлар киритиш имкониятининг мавжудлиги ва турли экспериментлар ўтказиш имкониятининг мавжудлиги билан методологик аҳамиятга эгадир. Ҳозирги замон лисоний материлларини синхрон тадқиқ қилишда жуда аниқлик билан социоллингвистик тахлилнинг предмети ва бирликларини аниқлаш, тадқиқот жараёнини аввалдан белгилаб олиш, уларни тасвирлаш моделларини ишлаб чиқиш, илгари сурилган концепция ва назарияларнинг тушунарлилик даражасини аниқлаш, уларга оид аниқ терминологик базани

яратиш мумкин. Айнан ана шулар орқали бошқа, биздан анча узок бўлган даврлардаги тил тараққиётининг хронологик тасвирларини ўрганиш ва улардан диахронологик тадқиқотлар учун фойдаланиш мумкин.

Муҳим социолингвистик муаммолардан яна бир бу билингвизм (икки тиллилик) нинг социал аспектлари ҳисобланади. Шартли равишда иккита тилнинг билингвизмлиги бир-бири билан маълум меёрда боғлиқ ҳисобланади. Жамиятда турли тил соҳиблари қанчалик кўп бўлса, дунё караш ҳам турлича бўлади. Бевосита маданиятлараро муносабатлар ҳам тафовутли ва ўхшаш шаклларда бўлади. Социал фикр ҳар доим кўпчилик тамонидан ишлаб чиқилган бўлади. Шунинг учун унда маълум бир вазиятга тўғри жиҳатдан ёндашилган бўлади. Социолингвистик таҳлил анашу вазиятларни турли тўпланган маълумотларга асосланиб таҳлил қилади.

Барча фан ва соҳаларда бўлгани каби социолингвистикада ҳам анализ ва синтез жараёни мавжуд. Анализ ва синтез бу ўзи қандай тушунча? У нимага хизмат қилади? Бу қандай жараён?

*Анализ ва Синтез* (юнон. analysis — ажратиш, бўлиниш ва synthesis — кўшиш, бирлаштириш) деб таржима қилинади. Анализ ва синтез - кишилар дунёни, атроф муҳитни билиш жараёнида ишлатадиган ўзаро чамбарчас боғланган текшириш усуллари. Анализ - фикран ёки амалда нарса ва ҳодисани таркибий қисмларга бўлиш; синтез эса бу қисмларни фикран ёки амалда бир бутун қилиб, бирлаштириш, нарсани яхлит олиб текширишдир. Анализ ва синтез объектив характерга эга бўлиб унда барча ҳодиса, жараён ва нарсалар ўрганилади. Инсон атроф-муҳитини қуршаб турган объектив борлиқ мураккаб ва шу билан бирга конкрет нарсалар, ҳодисалардан иборат. Барча мавжуд нарсалар хилма-хил хусусият ва сифатларга эга. Шу мураккаб, ҳар турли нарса ва ҳодисаларни ўрганиш ва билиш, улар туғрисидаги тушунчаларимизни чуқурлаштириш учун шу нарса ва ҳодисаларни таркибий қисмларга ажратиш — анализ қилиш лозим. Фақат шу усул билангина нарсани тўла билиш мумкин эмас, бунинг учун у синтез билан ҳам тўлдирилиши керак. Синтез анализнинг натижаларига суяниб, нарса ёки

ходисани бир бутун сифатида уюштиради. Қисқача айтганда анализ ва синтез ўзаро диалектик борлиқ. Таъкидлаш жоизки, анализсиз амалга оширилган синтез чуқур билим, кутилган натижа бермайди. Шу билан бирга айни вақтда синтез орқали яқунланмаган анализ ҳам етарли эмас. Метафизика эса анализ ва синтезни бир-биридан ажратиб қуяди, уларга бир-бирини истисно қилувчи методлар деб қарайди. Баъзи европа олимлари буни танқид қилиб, «тафаккур бир-бири билан боғланган элементларнинг бирликка нақадар бирлашувидан иборат булса, онг предметларнинг ҳам ўз элементларига шу қадар парчаланишидан иборат. Юқоридагилардан келиб чиқиб анализсиз синтез бўлмайди дейиш мумкин. Шунини ҳам айтиш мумкинки анализ ва синтез билишнинг умумий диалектик методини инкор этмайди, аксинча, унга амал қилингандагина билиш тўла мазмунга эга бўлади ва туғри хулосаларга олиб келади. Материалистик диалектика анализ ва синтезни дедукция ва индукция каби илмий билишнинг хусусий методи деб талқин этади. Анализ ва синтез формал логикада ҳам билишнинг иккита энг муҳим усули сифатида ўрганилади.

Ўз навбатида лингвистик жиҳатдан ўрганиш ҳам анализ ва синтезга асосланади. Маълум бир тилни тадқиқ қилишда уни аввал тил меёрларига асосланиб уни турли бўлимларга ажратамиз масалан: тил лексикология, морфология, синтаксиз, семантика кабиларга бўлинади. Бугунги кунга келиб тилга янги кириб келган кросскултура, қиёсий типология орқали ҳам анализ ва синтез қилинмоқда.

Кросскултура бу тиллараро ва шу билан бирга маданиятлараро муносабатларни таҳлил қилиш билан шуғилланади. Унга кўра маълум тил соҳибни бўлган халқ маданияти намуналари иккинчи қардош тил, ёки қардош бўлмаган тил соҳиблари маданияти билан солиштирилиб ўрганилади. Европада вояга етган ёш йигит-қиз ота-онасидан ўз ҳаётини йўлга қўйиши учун маълум суммани ундирса ва у суд орқали ундирилса уларда инсон ўз ҳақ-ҳуқуқи учун курашган ҳисобланса, ўзбек миллатида бундай ишни амалга оширган фарзандлар ноқобил фарзанд саналади.

Мазкур ҳолат социал жиҳатдан социал дифференсацияни келтириб чиқаради. Инсонлар жамиятда турли мақсадлар, тасодифлар, иш юзасидан мулоқотда бўлишади. Дифференциация бутуннинг сифат жиҳатдан турлича маъноли бўлакларга, шаклларга ажратилиши ҳисобланиб, у социал турлиликни фикрлар тафовутини қисмларга ажратган ҳолда ўрганади.

Социолингвистика бевосита ёш фанларнинг бири бўлган психолингвистика билан ҳам боғлиқ ҳисобланади. Шу ўринда психолингвистика ўзи нима? У нимани ўрганади деган савол пайдо бўлади.

Психолингвистика психология ва лингвистика оралиғида ўрин олган тушунча. Бу тушунча илк бор 1946 йилда Николай Пронко томонидан фойдаланилган. У тил, тафаккур ва онг ўртасидаги ўзаро муносабатни ўрганади. Психолингвистиканинг 3 та асосий йўналиши мавжуд.

Биринчи, тилшуносликка психологик ёндашув. Ўтган аср тилшунослари ёзишча тил-бу рух фаолияти ва халқ маданиятининг акс этишидир. Бу орқали улар тил фақат жисмоний эмас балки рухий компонентларга ҳам эга ва у фақат инсонларга хос деб таъкидлашган. Психолингвистика тарихида Б.Л.Уорфнинг гипотезаси (лингвистик нисбийлик назарияси) муҳим ўрин эгаллайди. Айни унинг ҳаракатлари натижасида тил ва тафаккур илм оламида катта катта қизиқишларга сабаб бўлди.

Психолингвистиканинг иккинчи йўналиши Америкалик структуралистлар томонидан ва “тил сохиби бўлиш жумлаларни тўғри айта олиш қобилиятига асосланади” деб таъкидлаган Н.Хомский кўллаб-қувватланган.

Психолингвистиканинг учинчи йўналиши психологлар томонидан ишлаб чиқилган бўлиб, тил ва нутқ муаммолари билан шуғилланишган.

Таржиманинг психолингвистик асоси пайдо бўлиши унинг умуман мавжудлигини англашда муҳим унсур ҳисобланади. Бу масалада С.Н.Сыроваткин таржиманинг асл ўзаги бу – психолингвистик жараёндир. “Психолингвистиканинг таркиби уч унсур (аслият матннинг талқин этилиши,

мавжуд тил шакли ва таржима тили шаклини танлаш) дан иборат” Бу ҳолат таржима назариячиларини психолингвистикага юзланишга мажбур қилади.

Нутқий фаолияти психолингвистиканинг объекти ҳисобланса, таржима назариясининг объекти – нутқий фаолиятининг асосий тузилиши дир, бу тушунчаларнинг вазифаси кўп ҳолларда туташади. Таржима назариясига психолингвистиканинг самарали механизми, нутқий мулоҳазаларнинг ўзлаштирилиши, нутқий фаолиятнинг тузилиши ва лисоний имконият модели тўлалигича тадбиқ этилиши мумкин. Афсуски, таржима ҳали лингвистик позиция билан глобал тавсифга кела олмаган, шу пайтгача таржиманинг психолингвистик таҳлилига бўлган тадқиқ қилишга уринишлари асосан тўлиқ бўлмаган характерга эга.

Шу билан бирга замонавий психолингвистлар таржима назариясига, нутқий фаолиятнинг уч бўлакли структурасига, программалашувига, амалга ошириш фазасига, қиёслаш фазасига, унинг мақсад ва мотивацияси зарурати ҳисобига, нутқнинг эвристик принципи пайдо бўлишига, олдиндан айта олишига, нутқий ўзлаштириш жараёнининг актив характерига аълоҳида қизиқиш билдиришган.

Мазкур жараёнда психолингвистик натижага кўра оптимал ҳисобланган субектнинг конкрет экспериментал ҳолатига боғлиқлигидан келиб чиққан ҳолда эвристик принципга батафсилроқ тўхталиб ўтамиз. Бу методологик принцип таржима жараёнида нутқий ифода ҳосиласини моделлаштиришда тўлалигича қўлланса бўлади деб ҳисоблашади. Таржима таҳлили шундан дарак берадики, исталган нутқий фаолият каби таржима ҳам ягона модел асосида яратилмайди. Таржима жараёнида грамматик трансформация ҳам, лексико-синтактик парафраза ҳам, семантик қайта ифодалашдан ҳам фойдаланилади. Аслият матн таҳлилининг оптимал усулни танлашда ва мувофиқ матннинг бошқа тилда қурилиши коммуникатив актнинг тиллараро конкрет шартлари асосида баён қилинади. Шунинг учун таржима жараёни маълумоти якуний матннинг ягона модели натижасига кўра ғализ ҳисобланади.

Ю.Найданинг трансформацион моделнинг универсаллиги таржиманинг ягона адекват модели сифатидаги ҳимоя тезиси эканлиги ҳақидаги фикрларини ёдга олайлик. Найда таъкидлаганидек таржиманинг икки тизими мавжуд. Биринчи тизим бирор бир birlik ёки аслият тил birlikлари муқобилини таржима тилида излаб топиш учун аниқ нима қилиш кераклигига ишора қилувчи қоида қисмлари аниқ ифодаланилишига қаратилди. Таржима назариясининг баъзи вариантларида таржима амалга оширилаётган воситачи тил мавжудлиги сезилади. Иккинчи тизим анчагина мушкулроқ бўлган процедурани қамраб, уч қисмни ўз ичига олади:

1) Таҳлил, аслият матн А билан белгиланиб, грамматик трансформация терминлари, грамматик алоқалар, сўз ва сўз бирикмаларининг мазмунини ифодалайди

2) Кўчириш, таҳлил қилинган матн А дан В га кўчирилади.

3) Қайта яратиш А тилдаги матн В тил меёрлари ва тузилишига кўра адаптация қилиб ўтказилади.



Шуни айтиб ўтиш жоизки таржима бевосита тил билан боғлиқ тарзда иш олиб борар экан инсоннинг рухий ҳолатини таржимада акс эттириш учун бизга психоллингвистика тўғридан-тўғри таржимонга яқиндан ёрдам беради. Таржима фақат бир тилдан иккинчи тилга шунчаки ўгириб қўйишдан иборат эмаслиги барчамизга маълум.

Социоллингвистика ҳақида сўз юритар эканмиз, инсонлардаги социал ижодий тафаккур тушунчасига дуч келамиз. Турли тилларни билиш ижодий тафаккурни ривожлантириб, тадрижий равишда, изчил ўзаро боғланган жараёнлардан ташкил топади: даставвал саволлар туғилади, вазифа аниқланади масалани ечиш ёки саволларга жавоб қидириш жараёни вужудга келади. Инсон олдида турган аниқ вазифа ёки масала – бу бажарилиши ёки

ҳал қилиниши зарур бўлган саволларнинг ифодасидир. Намоён бўлган вазифа кўпинча ифодаланиши шарт бўлган мақсадни ҳам ўзида акс ёттириб келади. Мақсад эса инсоннинг изланаётган номаълум воқеликни топишга гумон ва ҳаяжон, шубҳа ҳислардан фориҳ этишга қаратилган майлидир. Шунга кўра социолингвистика инсонларни турли изланишларга чорлаш орқали турли тиллар маданиятига ва турмуш тарзига социал муҳитига йўл очиб боради.

Социолингвистиканининг олдидаги муаммолардан яна бири мавжуд тилларнинг функционал тил ёки тил подсистемаларининг бўлиниши мавжуд тил нормалари эскилари янгилари билан алмашиниши ҳодисадир. Шунга кўра социолингвистика методлари лингвистик ва социолингвистик процедураси синтезни келтириб чиқаради. Улар ўзаро яна табиий ҳолатда амалга ошадиган метод ва социолингвистик анализ методига бўлинади. Табиий метод анъанавий методлар ҳисобланиб улар ўз ичига анкета, интервью, кузатиш кабиларга асосланади.

*Кузатиш методи.* Психология фанида бу методнинг объектив (ташқи) ва субъектив (ўзини ўзи) кузатиш турлари мавжуд. Инсон психикасидаги узгаришларни кузатиш учун куйидагилар амалга оширилади:

- 1) кузатишнинг мақсади, вазифаси белгиланади;
- 2) кузатиладиган объект танланади;
- 3) синалувчининг ёши, жинси, касби аниқланади;
- 4) тадқиқот ўтказиш вақти режалаштирилади;
- 5) кузатиш канча давом этиши катъийлаштирилади;
- 6) кузатиш инсоннинг қайси фаолиятида (уйин, ўқиш, мех.нат ва спортда) амалга оширилиши тавсия қилинади;
- 7) кузатишнинг шакли (якка, гуруҳ, жамоа билан ўтказилиши) тайинланади;
- 8) кузатилганларни қайд қилиб бериш воситалари (кундалик, суҳбат дафтари, кузатиш варақаси, магнитофон, видеомагнитофон, видеоаппарат, фотоаппарат ва бошқалар) тахт қилинади.

Сухбат методи. Бу метод билан инсон психикасини ўрганишда сухбатнинг мақсади ва вазифаси белгиланади, унинг объекти ва субъект танланади, мавзуси, ўтказиладиган вақти аниқланади, якка шахслар, гуруҳ ва жамоа билан ўтказиш режалаштирилади, ўрганилаётган нарса билан узвий боғлиқ савол-жавоб тартиби тайёрланади. Сухбатнинг бош мақсади муайян бир вазият ёки муаммони ҳал қилиш жараёнида инсон психикасидаги ўзгаришларни ўрганишдир. Сухбат орқали одамларнинг тафаккури, ақл-заковати, хулқ-атвори, қизиқиши, зийраклиги, билим савияси, эътиқоди, дунёқраши, иродаси туғрисида маълумотлар олинади.

*Тест методи.* Тест — инглизча сўз бўлиб, синаш, текшириш, демакдир. Шахснинг ақлий ўсишини, менталитетини, қобилиятини, иродавий сифатлари ва бошқа психик хусусиятларини текширишда қўлланиладиган қисқа масала, топшириқ, мисол, жумбоқ, сюжетли расм ёки шакл тест деб аталади. Тест, айниқса, одамнинг қандай каебни эгаллаш мумкинлигини, касбга яроклилиги ёки яроксизлиги, истеъ-доддилар, иқтидордилар ва ақли заифларни аниқдашда кишиларни саралашда кенг қўлланилади. Тест методининг қиммати тажрибанинг илмийлик даражасига, текширувчининг маҳоратига ва қизиқишига, йиғилган психологик маълумотларнинг объективлиги ва уларни илмий таҳлил қила билишга боғлиқдир.

Бу методлар кенг тарқалган бўлиб кўп соҳаларда тадқиқот олиб бориш учун фойдаланилган. Айниқса тест усулидан фойдаланиш таълим соҳасида баҳолашнинг энг кенг тарқалган усулуга айланган.

Бир сўз билан айтадиган бўлсак, ижтимоий фанлар йўналишида социоллингвистика социология яъни жамиятшунослик билан узвий боғлиқ тарзда тилшуносликнинг бир йўналиши сифатида шаклланган. Бу борада ҳали кўплаб изланишлар олиб бориш ва уни янада такомиллаштириш лозим бўлади. Шунга кўра бошқа ижтимоий фан тармоқлари методларига асосланган социоллингвистика методлари ишлаб чиқилган ва янгилари яратилиб келинмоқда.

## 1.2. Тилнинг социал ва ҳудудий дифференциацияси

XX асрнинг иккинчи ярмида тилшунослик фанида сезиларли ўзгариш юз берди. Энди тилнинг бевосита ҳаракатдаги, муомаладаги, нутқдаги кўриниши, унда содир бўладиган ўзгаришларни аниқлашга киришилди. Тилшунослик фанида тилнинг бу томонини ўрганиш унинг **коммуникатив-прагматик аспекти** деб ном олди. Тилнинг ривожланиши кишиларнинг ҳаёти, уларнинг нутқ фаолиятлари билан боғлиқ равишда ўрганила бошланди. Бу эса ўз навбатида тилшуносликда бир қанча янги илмий фан соҳаларини пайдо бўлишига сабаб бўлди: психоллингвистика, социоллингвистика, матн тилшунослиги ва лингвистик прагматикани ўз ичига олган коммуникатив тилшунослик шулар жумласидандир.

XX асрнинг 60-йилларидан бошлаб тилшунослик тил бирликлари бўлмиш фонема, морфема, лексема (сўз) гапларни ўрганишни умуман тугатиб, гаптаги катгароқ бирликлар ҳам борлигини қайд этди. Уларни мазкур фанда синтактик бутунлик, хат боши, дискурс ва матн атамалари билан аташди. Ҳозирги вақтда тилнинг энг катта бирлиги матн деб топилди. Матнни бир бутун бирлик сифатида ўрганиш рус тилшунослари томонидан XX асрнинг 30-йилларида бошланган эди. Рус олимлари А,В Пешковскийнинг «Русский синтаксис в научном освещении» (М. 1934), В.В.Виноградовнинг «О художественной прозе» (М., Л., 1930) ва бошқалар матннинг ўзига хос хусусиятлари борлигини, тилнинг бошқа бирликларидан ўзининг майл хусусиятлари, шахс маъносини ифодалаши, матндаги шахс маъноси билан муаллиф шахси орасидаги боғлиқлик, узвийлик борлигини исботлашга кўп куч сарфлашди. Бу асарлар фақат рус тилшунослигида эмас, балки умумий тилшунослик тарихида муҳим аҳамиятга эга бўлиб, ҳозирги замон тилшунослигининг ривожланишига ҳам ўз ҳиссасини қўшмоқда.

М.Ирискуловнинг таъкидлашича «Матннинг таърифи масаласида, кўпчилик томонидан қабул қилинган ягона қоида йўқ»(М.Ирискулов, 1992, 140бет). Матннинг таърифи матн устида ишлаётган олимнинг тилшунослик соҳасининг қайси йўналишида (яъни фонетика-фонология, лексикалогия,

синтаксис, семантика ва ҳоказо) ишлашига боғлиқ. Матн таърифи матнга хос хусусиятларни аниқлаш билан боғлиқ.

Ц.Тодоровнинг фикрича, ҳар қандай матн жараён, синтактик ва семантик хусусиятларга эга. Матнларнинг аниқ гаплардан ташкил топиши-унинг жараён эканлигини тасдиқлайди. Матнни ташкил этувчи қисмлар орасидаги боғланиш унинг синтактик хусусиятини ва ниҳоят, матннинг мазмуни-унинг семантикасини белгилайди [Т.Todorov. google.ru].

Н.Энквист ҳам матннинг уч лингвистик параметрини (topic), фокус (Focus) ва боғланиш (linkage)ни аниқлади. Мавзу-матннинг асосий мазмуни, фокус-матнни ташкил этувчи бирлик (сўз, сўз бирикмаси, гап ва ҳоказо), боғланиш эса матннинг ташкил этувчи қисмлари орасидаги боғланиш воситаларидир [N.Enkvist. google.ru].

Нутқ фаолиятига кирувчи –матнлар маълум система асосида тузилган, ўз мазмунига эга бўлган тугалланган маҳсулотдир. Уларнинг тузилиши, таркиби жамиятда учрайдиган матнларни бирортасининг мавҳум моделига асосланган бўлади.

«Матннинг мазмуни деганда мазкур матндан ўрин олган маълумот, ахборот тушунилади. Маъно деганда эса матн бирликлари (гап ва гапдан каттароқ –ягона синтактик бутунлик, хат боши)га хос ахборот тушунилади».

[24:1416]

Мазмун ифодаланаётган ахборотнинг узил-кесил яқунланганлигига боғлиқдир. Маъно эса тугал фикрни англатса ҳам, фикрнинг давом этишини тақозо қилади. Матн баён қилингандан кейин тингловчида ким? қачон? қаерда? қандай? каби қўшимча саволларга ўрин қолмайди. Ҳар қандай матн фикрлар йиғиндиси бўлиб, ўзаро боғланган мулоҳазаларни ўз ичига олган бўлади. Матннинг чегарасини уни яратувчи (яъни ёзувчи, баён қилувчи) белгилайди.

Тил ўз табиатига кўра жуда мураккаб ҳодиса бўлгани учун, уни ўрганишда ҳам жуда кўп хил услублар қўлланилиб келади. Чунончи қадимги Гресьяда тилга фалсафанинг бир унсури деб қаралган бўлса ва шу жиҳатдан

анализ қилинган бўлса, қадимги ҳиндистонда, Ўрта Осиёда ва арабларда амалий таълим мақсадида анализ қилинган. [70:174 б].

Табиий тил қурилишининг систем-структур таҳлил услубларини олиб кўрсак, аслида бу ўринда ҳам тадқоотчи «кайта тиклаш» ҳаракатини бажаришга мажбур. Ахир бу ўринда ҳам тилшунос оғзаки нутқ (ёки унинг матндаги акси) фактларига таянган ҳолда бевосита кузатилмайдиган тил тизими ҳақида фикр юритади ва илмий хулосалар чиқаради-ку?! Шундай экан, оралиқ ёки концептуал босқич бирликларини ҳам турларга ажратиш, гуруҳпаш умумлаштириш имкони бор. Гап фақатгина ушбу тизимлаштириш ҳаракатини қандай методологик нуқтаи назардан ва қайси услуб асосида бажаришда. [58:32 б]

Тилнинг асосий вазифаси мулоқот воситаси сифатида хизмат қилишдир. Коммуникатив мазмунни ифодалашнинг асосий воситалари дейктик белгилардир. Дейктик марказни таркиб топтирувчи қисмлар қуйидагилардан иборат:

1. Марказий шахс – сўзловчи
2. Марказий вақт(замон) – нутқий ҳаракат ижро этилаётган вақт
3. Марказий макон – сўзловчининг нутқий ҳаракат бажараётган ўрни
4. Ижтимоий марказ – сўзловчининг ижтимоий мавқеи

Нутқий тафаккур ва лисоний онг марказида идрок шахс туради. Мулоқот тизимида оралиқ ҳамда чет қисмлар мавжуд. Ушбу қисмларнинг сарҳаддошлигини, ўзаро муносабати, қаерда, қачон юзаги келишини аниқлаш лозим бўлади. Бундай сарҳаддошларга социал (ижтимоий) *дискурс* ва модаллик қиради.

Тасвирий услуб тил тизимига кирувчи унсурлари тасвирлаб кўрсатиб бериш билан бирга, ўша унсурларни таҳлил қилади ва ижтимоий функцияларини ўрганиш учун қўлланилади. Фразеологик бирикмалар жуда кўп ўринларда қўлланилади. Чунки дунёдаги ҳар бир тил, миллат ва маданият ўзига хос кўринишлари билан ажралиб туради. Ҳамма нарсалар ҳам тўлиқ таржима қилинавермайди. Баъзан тил соҳибларининг ҳурмати учун

ўша таржиманинг тасвирий усулларидадан фойдаланилади. Бу усуллар инсоннинг дунёнинг чуқур тушунишга, кадрлар тайёрлаш миллий дастурида таъкидланганидек, “Инсон, унинг ҳар тамонлама уйғун камол топиши ва фаровонлиги, шахс манфаатларини рўёбга чиқаришнинг шароитларинин ва таъсирчан механизмларини яратиш, эскирган тафаккур ва ижтимоий хулқ-атворнинг андозаларини ўзгартириш Республикада амалга ошираётган ислохатларнинг асосий мақсадига ҳаракатлантирувчи кучидир. Халқнинг бой интеллектуал мерос умумбашарий кадрлар асосида, замонавий маданият, иқтисодий, фан, техника ва технологияларнинг ютуқлари асосида кадрлар тайёрлашнинг мукамал тизимини шакиллантириш Ўзбекистон тараққиётининг муҳим шартидир. [80:4 бет.]

Маълумки, лисон — фақатгина инсонга инъом этилган неъматдир. Шу сабабли лисоний ҳодисалар тадқиқи бошқа ижтимоий ҳодисалар тадқиқидан тубдан фарқ қилади. Замонавий фалсафий йуналиш синергетика таълимотига кўра барча табиий ва ижтимоий ҳодисалар тизимли тузилишга ва ўз-ўзидан таркиб топиш хусусиятига эга. Тилнинг ҳам тизимли ҳодиса эканлиги аллақачонлар эътироф этилиши, тилшуносларнинг эътибори ушбу тизимнинг қандай ташкил топганлиги, унинг таркибида қайси турдаги бирликлар мавжудлиги, бу бирликларнинг ўзаро муносабатга киришиши, ушбу муносабатлар асосида ҳосил бўладиган тузилмаларнинг умумий тизим ва унинг босқичли тузилишдаги ўрни каби қатор масалаларга қаратилган. Бироқ объект ҳам тўлиқ илмий билиш фақатгина тизимнинг таркибий тахлили билан чегараланиб қолмасдан, балки ушбу тизимнинг қандай «ишлаши» (ёки ишлатилиши) билан ҳам қизиқиши табиий. Тил тизимининг ўзига хослиги унинг «дуаллиги», яъни икки тизимдан иборат бўлишидир. Дарҳақиқат, лисоний фаолият икки асосий қисмдан иборат: тил бирликлари талаффузи ва улар воситасида ифода қилинадиган маъно, мазмун.[55:14]

Тил - инсонлар ўртасидаги алоқа воситаси, ижтимоий ҳодиса; фикр ифодалаш ва жамият аъзоларининг бир-бири билан фикр алмашишига хизмат қилади.

Бугунги тиллар кўп асрлар мобайнида мураккаб тарихий жараёнларни кечириш натижасида вужудга келган. Шулардан бири тилларнинг ажралиш-дифференциация жараёнидир. Масалан ҳозирги *туркай тиллар* қадимда бир тил бўлиб, улар умумтурк тилининг булиниши натижасида вужудга келган. Келиб чиқиши бир хил тиллар қардош тиллар дейилади, уларнинг ҳаммаси бир оилага киритилади. Шу оила келиб чиққан дастлабки тил *бобо тил* деб юритилади.

Тиллар ўз тараққиёти даврида бир-бири билан алоқада бўлади ва бир-бирига таъсир қилади. Баъзан тилларнинг чатишуви натижасида янги тиллар вужудга келади.

Тилларнинг таркибий қисмлари товуш, сўз ва грамматик (сўзларни бир-бирига боғлайдиган) воситалардан иборат. Тилнинг товуш томони унга моддий сайқал беради ҳамда тилнинг маъноли элементларини бир-биридан фарқлаш учун хизмат қилади. Мавжудот, ҳодиса ва тушунчалар сўз билан ифодаланади. Грамматик воситалар сўзларни бир-бирига боғлаш ва тилнинг фикр англатувчи бирлиги гап тузиш учун хизмат қилади.

Тилнинг келиб чиқиши масаласини илмий жихатдан ҳал қилишга уриниш қадимги юнон файласуфларининг билиш назариялари билан боғлиқ. Платон «тил табиий суратда келиб чиққан» деб даъво қилса, Демокрит «ўзаро алоқа қилиш учун тилни одамларнинг ўзлари яратган, у худонинг эмас, балки одамлар иродасининг маҳсулидир» деган назарияни олға суради.

Эпикур сингари файласуфлар эса одамлар ўз руҳий ҳолатларини табиий суратда товуш чиқариш йули билан ифода этганлар, деган фикрни олдинга сурган.

Ўрта асрларда тилнинг келиб чиқиши масаласини муҳокама қилиш қатъий ман қилинган муаммолардан бири бўлган, чунки, «Инжил», «Қуръон» каби «мукаддас» китобларда «тил илоҳият тортиғидир» деб, масала идеалистчасига ҳал қилиб қуйилган эди.

Европа файласуфлари турли-туман диний ақидалар, афсоналарга қарши чиқиб, тилнинг келиб чиқиши ҳақида ҳар хил назариялар яратадилар.

Айникса, XVIII-асрнинг иккинчи ярмида Европа фалсафасида тилнинг келиб чиқиши масаласига қизиқиш кучайди. Бу даврда яшаган Жан Жак Руссо ўзининг «Одамлар ўртасидаги тенгсизлик сабаблари» номли китобида тилнинг келиб чиқишини билиш учун унинг вужудга келишидаги ижтимоий заруриятни топиш керак, деган фикрни ўртага ташлаган. Аммо у вақтда ибтидоий жамият кишиларининг коллектив яшаш шароити ва ривожланиш процесси аниқ бўлмаганлиги учун тил негизларини тушунтириш мумкин эмасди. Шу сабабли тилни «ижтимоий келишув» асосида ёки физиологик шароит билан тушунтиришга уринганлар, чунки ибтидоий инсон имо-ишорасиз ўз туйғуларини ифода этмай иложи йўқ эди деб изоҳлайдилар.

Тилнинг келиб чиқишидаги ижтимоий зарурият назарияси кейинги даврларда етарли таянч касб эта олмади, бунинг сабаби кишилик жамияти тараққиётининг энг қадимги боскичлари фанга маълум эмас эди, иккинчидан, олимларнинг кўпчилиги тилнинг келиб чиқишидаги иккинчи томонни - тафаккурни унутиб қўяди. Натижада европа олимлар, файласуфлар, психологлар, тилшуносдар масалани илмий асосда ҳал эта олмаганликлари учун бу муаммони умуман лингвистика фанидан олиб ташладилар. Бунинг бош сабаби, биринчидан, тил ва жамият, тил ва тафаккур муамоларининг келиб чиқиши, ривожланиш жараёнлари бир-биридан метафизикларча ажратиб ўрганилганлиги бўлса, иккинчи томондан, ибтидоий одамларнинг коллектив меҳнат шароити ва уларнинг бир-бирига бўлган ижтимоий муносабатлари илмий планда диалектик текширилмаганлиги эди. Бу масалалар биринчи марта европа олимлари томонидан фан ютуқларига суянган ҳолда текширилди.

Кузатишлар шуни кўрсатмоқдаки, тилнинг функционал-услубий табақаланиши тил маданиятининг хронологик ва ижтимоий чегараланишига таянади.

Лингвистик табақаланишнинг турли кўринишлари таҳлил қилинганда, аввало, бу кўринишларнинг асосий икки шаклини ажрата билиш зарур деб ҳисобланади. Булар:

(1) мавжуд тилнинг бирламчи қисмларга бўлиниши, (яъни тилнинг муайян нейтрал қисми, тилнинг сўзлашувга оид кўринишлари, диалектлар) ва

(2) тилнинг худудий, ижтимоий, услубий ва хронологик субтизимларидан ташкил топган иккиламчи шакллари. [Интернет саҳифалар V]

Шуни алоҳида таъкидлаш зарурки, юқорида тилга олинган табақаланишнинг икки тури ўртасида аниқ чегарани белгилаш жуда ҳам мураккаб масаладир.

Тил табақаланишини ўрганиш замонавий лингвистика учун хос ҳодиса бўлса-да, уни хронологик, яъни тарихий босқичнинг турли даврларида ривожланиш нуқтаи назаридан ҳам таҳлил этиш мақсадга мувофиқдир. Демак, тил табақаланишининг хронологик ракурсада таҳлил этиш унинг ўз навбатида ижтимоий хусусиятга эга эканлигидан дарак беради. [54:36]

Нутқий мулоқотда (матнда) инсон фактори муҳим роль ўйнайди ва бу фактор мулоқот фаолиятини ривожлантириш, уни воқеалантириш, унинг стратегиясини амалга ошириш каби амалларини бошқарувчи кўрсаткичлардан биридир. Структур тилшуносликда (тилнинг ички тузилишига қизиқиш) ҳам «инсон фактори» амалда бўлганлигини биламиз, аммо структуралистлар ушбу тушунчани «бир хил нутқий шароитдаги идеал сўзловчи»га нисбатан талқин қиладилар ва уни «лисоний қобилият» тушунчаси билан боғлайдилар. Прагмалингвистик талқинда эса «инсон фактори» тушунчаси батамом ўзга кўриниш олади. Мулоқотнинг шарт-шароити турлича бўлганлиги каби унда «сўзловчи ва тингловчининг идроки, мақсад, асос, алоқа воситалари хулқ-атворнинг махсус белгиланган шакллари, ифода мавзуси, сўзлашувларнинг ўзаро муносабатларига хос хусусиятлари бир хилда бўлмайди. [35:1036] бу турдаги ижтимоий белгилар барқарор (доимий) ва ўзгарувчан гуруҳларга ажралади. Нутқий мулоқот жараёнида фаоллашувчи инсон фактори билан боғлиқ доимий ва ўзгарувчан

хусусиятлар каторига профессор В.В.Богданов қўйидагиларни киритади: [20: 28-29б]

- 1) лисоний қобилият
- 2) маълум миллатга мансублик
- 3) ижтимоий-маданий статуси (маълум ижтимоий гуруҳга оидлик, касби, лавозими, маълумоти, яшаш жойи, оилавий аҳволи)
- 4) биологик-физиологик кўрсаткичлари (жинси, ёши, соғлиғи, жисмоний нуқсонлар мавжудлиги ёки йўқлиги)
- 5) рухий-психологик тури (темперамент, паталогик кўрсаткичлар)
- 6) вазиятга нисбатан ўзгарувчан рухий ҳолати (кайфият, мувафакият, билим мақсад ва қизиқиши)
- 7) доимий диди, қизиқиш ва одатлари
- 8) ташқи кўриниши (кийиниши ўзини тутиши, хулқ атвори)

Ушбу каторга киритилган белгиларнинг ўз мазмуни ва бажарадиган вазифаси жиҳатдан бир хилда эмаслиги кўриниб турибди. Уларнинг нутқий мулоқот мундарижасига таъсир кучи ҳам ҳар хил.

Жумладан, лисоний қобилият белгисини олсак у мазмундор нутқий фаолиятнинг (матннинг) асосий омилидир. Тилни билмаган шахс ушбу фаолиятни ижро эта олмаслиги аниқ аммо турли шахсларнинг тил билиш даражаси ҳар хил.

Проф. В.В.Богданов санаб ўтган белгиларнинг кўпчилиги коммуникантларнинг шахсий сифати бўлиб, улар биофизиологик ва рухий характерга эгадирлар. Масалан сергап, тезда мулоқотга киришиб кетадиган кишилар камгаплардан фарқ қиладилар. Одатда, холерик ва сангвиниклар маҳмадана, мулоқотга интилувчан бўлади, меланхолик ва флегматиклар камсухунликлари билан ажралиб туришади. «Коммуникантларнинг сифатлари мулоқот тизимида қанча муҳим ўринни эгалламасин, ҳар ҳолда бу тизимнинг марказида коммуникантларнинг ижтимоий роли туради» (57:142б).

Мулоқот иштирокчиларининг айнан шу характеристикаси нутқий фаолиятнинг «қай даражада жорийлашишига объектив ва субъектив равишда ўз таъсирини кўрсатувчи омил бўлиб хизмат қилади. (47: 71б)

П.Сорокин «ижтимоий табақалантириш» тушунчасини инсонларнинг алоҳида гуруҳларини қуйи ва юқори табақали синфларда ажратиш мазмунида талқин қилади.

Социолингвистика (ижтимоий тилшунослик) шуғулланадиган масалалардан бири тилда миллатнинг ижтимоий гуруҳланиши муносабати билан бўладиган фарқлар. Энг биринчи масала эса «Тил ва жамият ўртасидаги ўзаро муносабат, яъни жамият ҳаёти ва ривожланишида тилнинг роли ва аксинча тилнинг ривожланишида жамиятнинг аҳамиятидир». [25:152б]

Ижтимоий табақаланиш муаммоси билан кўпгина олимлар шуғулланганлар, улар ижтимоий статус (мақом) ва ижтимоий роль тушунчаларини фарқлашни таклиф қилишади. Санкт-Петербург университетининг профессори В.Ф.Сержантов (1990:187) ижтимоий статус «Ҳар бир алоҳида шахснинг жамият умумий структурасида эгаллаган ўрни» билан белгиланади деб ҳисоблайди. Шахснинг ижтимоий статусига нисбатан унинг жамиятда ва жамоада тутган ўрни белгиланади. Ижтимоий ўринни фарқловчи кўрсаткичлар эса шахснинг касб-ҳунари, даромад манбаи, бойлиги, маълумоти кабилардир. Ана шу кўрсаткичларнинг нотекислиги жамоа тузилишидаги босқичликни таъминловчи шахслар (ёки гуруҳлар) ўртасидаги ижтимоий масофани шакллантиради.

Ижтимоий масофанинг у ёки бу сарҳадидаги шахсларнинг табақаланиши жамиятдаги имтиёзлар тақсимотининг нотекислигидир (хукмдор-хизматкор, бошлиқ-хизматчи, зиёли-саводсиз ва ҳоказо).

Энг асосийси, шахснинг ижтимоий мавқеига оид тушунчалар тил тизимида (матнда) бевосита ўз аксини топади. Воқелик тил тизимининг барча сатҳларида, лисоний фаолиятнинг турли босқичларида турлича акс этади. Лисоний бирликларнинг, шу жумладан матннинг маъносида ижтимоий

бўлақларнинг мавжудлиги масаласи семасиологларни анчадан буён қизиқтириб келаётган бўлса, социолингвистика (ижтимоий тилшунослик) ва прагмалингвистикада асосий эътибор ижтимоий мавқега оид ҳодисаларнинг мулоқот тизимидаги ўрнига қаратилмоқда.

Шу ўринда таъкидалаш жоизки, ҳар бир лингвистик унсур таҳлил ва синтез қилиниш хусусиятига эга. Лисоний бирликларнинг функциялари айнан шундай анализ ва синтез жараёнида намоён бўлади ва тилда ўз ўрнини топади. Социал статусда тилнинг тўғри йўналтирилиши муҳим аҳамият касб этади. Тил ва инсон бир бутунликда ривожланади деб айтиш мумкин.

## II. БОБ. Хорижий тилларни ўргатишнинг коммуникатив асослари

### 2.1. Диахрон социолингвистиканинг муамолари

Социолингвистика тил соҳасига таъсирини кўрсата бошлагач аналог тарзда синхрон ва диахрон йўналишларга бўлиш фикри пайдо бўла бошлади. Агар тил тарихига назар ташлайдиган бўлсак шуни таъкидлаш мумкинки тилшунослик ўз фаолиятини лисоний синхрон фактларни ўрганишдан бошлаган.

Социолингвистика аспектларида дастлаб тилнинг умумфалсафий тамонлари ўрганила бошлаган. Турли тил меёрларидан келиб чиқиб тиллар ўртасидаги тововутли жиҳатлари кўриб чиқила бошлади.

*Диахрон тилшунослик*–ўтган 100 йилликдаги тилшуносликнинг энг ёш тармоғи ҳисобланади. XIX аср охири XX аср бошларида диахрон тилшунослик қиёсий тилшуносликнинг бир бўлими сифатида ўрганилиб келинган. Бу даврларда тил тарихан халқнинг шаклланишида асос сифатида хизмат қилади деган фикр юритилган.

Бу даврда тил жамият тарихи билан боғланган ҳолда ўрганилиб дунёвий ва диний маданияти билан бевосита боғлиқ тарзда тилга олиниб келинган. XIX асрга келиб илмий фикрлар пайдо бўла бошлади ва социал лингвистика тилшуносликнинг бир бўлими сифатида ўрганила бошлади.

XIX асрнинг 60-йилларида И.А. Бодуен де Куртенэ инсонлар сўзлашган XIV аср тили тарихи хусусида изланишлар олиб бориб, ўша давр тил ва маданият соҳасига катта қизиқиш билдирган. Унинг фикрига кўра тил икки хусусиятга эга, яни улар тилнинг ички ва ташқи мавжудлигидир.

Тилнинг ташқи мавжудлик омилига кўра жамоат ва адабиёт тарихи моддийлиги узвий боғлиқ ҳолда намоён бўлади. Бошқача қилиб айтганда тилнинг ташқи тамони унинг географик ва этнологик хусусиятига бориб тақалади.

Тилнинг ташқи ҳолати деганда айтиб ўтилганидек маълум бир тил соҳибларининг урф-одати этимологияси яшаш турмуш тарзидан келиб чиқиб ўрганилган ва чиқарилган хулосалар тушинилади.

Тилнинг ички томони сифатида тилнинг грамматик хоссалари ўрганилади. Яъни бунда сўз, сўз бирикмалари, жумлалар ва бошқа тил элементлари яхлитланган ҳолда тилнинг ички хусусиятларини ташкил этади.

Бевосита социолингвистика тилнинг ичи хусусиятларига таянади. Чунончи тил ўрганилишида грамматика ва унинг қодалари бирламчи рол ўйнайди. Тил структураси ва меёрлари мувофиқ тарзда ишланган бўлсагина у тилни тез ва мукамал ўзлаштириш имконияти пайдо бўлади. Барча соҳаларда бўлгани каби тил соҳасига ҳам ўтадиган йиллар ўз таъсирини кўрсатмасдан қолмайди.

Л.Елмслевни жаҳон тилшунослигида бугунги кунда ҳам Глоссематиканинг етакчи вакили сифатида тан оладилар. Л.Елмслев глоссематик ғоялар билан суғорилган бир неча асарлари билан машхур бўлди. Мазкур асарлар қуйидаги номлар билан аталади:

1. Умумий грамматиканинг тамойиллари. Бу асар 1928-йилда чоп этилади ва унда глоссематиканинг назарий асослари белгилаб берилади.

2. Сабаб категорияси. Мазкур асар 1935-1937-йилилар давомида ёзилади. Бу асарда асосий эътибор келишиқлар муносабати таҳлилига қаратилади ва тил материали талқини имманент (ташқи таъсирдан холи) характердалиги билан ўзига хос аҳамият касб этади.

3. Бошқарув тушунчаси

4. Тил ва нутқ

5. Тилшунослиқда структур таҳлил методи (1950-1951).

6. Тил назариясига кириш (пролетомены к теории языка). Бу асарнинг Копенгагенда чоп этилган йили бизда номаълум. Уни “Новое в лингвистике” (вып. 1, 1962) журналида босилган таржимаси орқали биламиз.

Л.Елмслев тилшунослиқда биринчилардан бўлиб тил материаллари талқинига математик методларни, айниқса математик мантиқ ғояларини татбиқ этган олимдир. У тилшунослиқка аниқ фанлар методларини жорий этишга ҳаракат қилади ва глоссематиканинг асосий мақсади ва вазифасини тилнинг имманент алгебрасида кўради.

Л.Тенер тилшунослик оламида ўзининг «Структур синтаксис асослари» деб номланувчи асари билан шухрат қозонади (1). Мазкур асар 1959-йилда олимнинг вафотидан кейин чоп этилади. Асарни Тенернинг қўл ёзмаси асосида унинг сафдошлари Фурке ҳамда Домалар нашрга тайёрлайдилар. Бироқ шуни ҳам айтиш лозимки, улар асарни чоп эттириш масаласида жуда кўп андиша қиладилар. Зотан, олимнинг бу асари структур тилшунослик масалалари талқинига бағишланган бўлишига қарамай, у одатдаги, масалан, Н.Хомскийнинг ёки америкалик бошқа олимларнинг структур тилшунослик доирасида ёзилган ишларига мутлақо ўхшамас эди. Бу ҳақда Р. Якобсон мулоҳаза билдирганида куйидагиларни айтган эди: "Қизиқ. Бир пайтлар Тенернинг қўлёзмасини чоп эттириш ҳам мумкин бўлмаган эди. Мендан уни нашр этиш арзигулик ишми, деб сўрашган эдилар ҳам. Ҳозир эса ишнинг бебаҳолиги изоҳ талаб қилмайди"

Гумболдт тилнинг асосида материя номи билан аталувчи субстансиялар ётишини таъкидлайди. Бу-товуш ҳамда инсон руҳияти билан бевосита боғлиқ бўлган маънодир. Товуш тилнинг ташқи субстансиясини (моҳиятини), маъно эса ички психик, ментал субстансиясини ташкил қилади. Ички формани материал аспект деб эмас, балки идеал аспект деб тушунмоқ керак. Тилнинг ички формаси унинг ташқи формасининг ҳосил бўлиши учун ҳам аҳамият касб этади. Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, ички формани Гумболдт ҳар бир унсури иккинчиси билан боғлиқ ҳолда мавжуд структура тарзида талқин этади. Бу, ўз навбатида, олимнинг ҳозирги тилшунослигимизда тилнинг система сифатида ўрганилиши масаласига назарий жиҳатдан яқинлашиб қолганини кўрсатади. Бошқача айтганда, Гумболдт жаҳон тилшунослигида биринчилардан бўлиб тилнинг систем характерли эканлиги ҳақида мулоҳаза юритган эди [ 69:4 б].

Гумболдт тил ва тафаккур муносабати масаласи бобида ҳам қимматли фикрлар бериб, тилни фикрнинг воқеланиши учун зарурий орган сифатида таърифлайди. Унинг фикрига кўра, инсоннинг ақлий фаолияти мутлақо руҳий бўлиб, у материал нуқтайи назаридан товушлар орқали воқеланади.

Шунинг учун тафаккур фаолияти тил билан узвий боғлиқдир. Олим тушунча билан товушнинг боғланишини изоҳлаганда улар ўз табиатига кўра бошқа-бошқа нарсалар эканлигини, уларни сўз орқали боғлашда инсоннинг иштироки зарурлигини таъкидлайди.

Тилнинг турли соҳаларига тилшунос олимлардан И. И. Срезневский, Ф. Ф. Фортунатов, А. И. Соболевский, И. А. Бодуэн де Куртенэ, А. А. Бахматов, Б. М. Ляпунов, М. М. Покровский кабилар социал ва диахрон томондан ёндашиб ўрганишган.

*Дистрибутив таҳлил методи* тил унсурларининг структур таҳлилини мақсад қилиб олган америкалик тилшунослар томонидан жорий этилади. Бу методга аслида Л.Блумфилд асос солган эди. Бироқ унинг асосий тамойиллари З.Харриснинг “Структурал тилшунослик методлари” деб номланувчи асарида мукамал ёритиб берилди. Мазкур асар 1951, 1961 йилларда икки марта нашр қилинади.

Ўтган асрнинг 40-60 йиллари давомида Америкада тилшунослик фани дескриптив йўналишнинг кучли таъсирида бўлади ва шу боис Харриснинг асари қайта нашр этилади. Лекин бу мазкур асрнинг дистрибутив метод таҳлиliga бағишланган ягона манба эканлигини кўрсатмайди. Ҳозирги пайтда дистрибутив таҳлилga бағишланган бошқа асарлар ҳам мавжуд, албатта. Аммо З.Харриснинг мазкур асари дистрибутив таҳлилларнинг асосий тамойилларини ёритиб берганлиги билан қимматлидир.

Дистрибуция сўзи инглиз тилида “куршов” деган маънони англатади. Шунинг учун дистрибутив таҳлилнинг асосий воситаси тил бирликларининг, хусусан, фонема, морфемаларнинг реал қоиланиши куршовини ўрганишдан иборатдир. Бошқача айтганда, дистрибутив таҳлил методи тил бирликларининг бир-бирлари билан қандай куршовда муносабатга кириша олиши масаласи тавсифи билан шуғулланади. Масалан, фонологик куршовда фонемаларнинг, морфологик куршовда морфемаларнинг горизонтал чизикда қай тарзда бирика олиши масаласи талқини берилади.

Дистрибуциянинг уч асосий тури бўлиб, улар қуйидагича номланади:  
1. Қўшимча дистрибуция. 2. Контраст дистрибуция. 3. Эркин алмашинув дистрибуцияси.

Ежи Курилович ҳам Прага тилшунослик мактабининг йирик намоёндаларидан бири бўлиб, у баъзи ҳинд синтактик деривация назарияси билан машҳурдир. Малумки, тилшунослик фанида лексик деривация тушунчаси кўп йиллардан бери қўлланилиб келади ва у сўз ясалиши муаммоси билан боғлиқ. Синтактик деривация назариясининг илмий истеъмолга киритилганига эса ҳали кўп вақт ўтганича йўқ. Тўғри Ежи Курилович синтактик деривация назариясини ўтган асрхириг 30-йилларида илмий асослаб берган эди. Лекин шундай бўлса ҳам, мазкур назария 60-йилларга келиб илмий истеъмолга киритила бошланди. Бунга асосий туртки бўлган воқеалардан бири Куриловичнинг “*Derivation lexicque et derivation syntaxique*” (Деривация лексическая и деривация синтаксическая) деб номланувчи салмоқли ишининг рус тилига таржима қилиниши бўлди.

Курилович деривация терминини “шаклланиш”, “тармоқланиш” деган маъноларда тушунгани ҳолда синтактик деривацияни бирор асос структура замирида иккинчи бир синтактик структуранинг шаклланиши маъносида талқин этади. Бироқ Курилович “деривация” терминини жуда тор маънода тушунади. У бу ҳақда қуйидагиларни ёзади: “Синтактик деривация - бу синтактик функцияси ўзгарган лексик унсурларнинг асос структурада англатган мазмуний салмоғи демакдир”. [69: 43]

Бироқ фактик тил материалининг таҳлили синтактик деривация жараёнида асос гапдаги маънонинг кенгайиши ёхуд торайиб кетишини ҳам кўрсатади. Гапнинг шаклланиши билан боғлиқ бўлган бу хилдаги деривацион операциялар албатта тилшунослик фани тараққиётининг кейинги даврларида кун тартибидан ўрин олди. Е.Курилович эса лексик деривацияни ҳам, синтактик деривацияни ҳам сўз доирасида талқин қилади. Масалан, камен (тош) - каменшик (тош терувчи); камень - каменный (тошли).

## *2.2. Хорижий тилларни ўргатишнинг ўзига хос хусусиятлари*

Бугунги кунда мамлакатимиз миқёсида чет тилининг роли тобора ошиб бормоқда хорижий тилни ўқитишнинг таълимий мақсади деб хорижий тилни ўқитиш жараёнида ўқувчиларнинг дунёкарашини, тафаккурини фикрлаш қобилиятини ўстириш, шу тилни ўзлаштириш орқали ўз она тилида эгаллаган билимларини такомиллаштириш назарда тутилади. Бундай ҳолатда она тили, рус ва чет тили тиллари ўртасидаги ўхшашлик ва фарқларни билиб олиш тил ўрганувчиларнинг билим савияларини янада оширади. Хорижий тилни ўрганиш давомида ўқувчилар мамлакатимиз ва Англия географик жойлашуви, тарихи, адабиёти, санъати, фани ва маданияти, атроф-мухити ҳақидаги маълумотларни ҳам ўрганиб оладилар. Инглиз тилини ўргатиш жараёнида таълимий мақсадни амалга оширишда фанлараро боғланиш ҳам муҳим аҳамиятга эгадир. Агар ўзбек тили, рус тили дарсларида ўрганилган билим, кўникма ва малакалар инглиз тилини чуқурроқ ўрганишга шароит яратса, бошқа фанлар: адабиёт, тарих, география фанларидан ўрганилган билимлар ўқувчиларга жаҳон адабиёти, тарихи ва географиясига оид билимларни ҳам осонроқ эгаллашга, дунёкараш, мулоҳазаларининг кенгайишига кўмаклашади. Шундай қилиб, бошқа ўқув предметларидан эгалланган билим базалар фанлараро боғлиқликни вужудга келтириб, бир фандан эгалланган билимлар улардан иккинчи фанни ўрганишда фойдаланиш имкониятини яратади.

Хорижий тилни ўқитишнинг яна бир хусусияти бўлган-ривожлантирувчи мақсади ўқувчини ҳар томонлама етук шахс бўлиб этишишини, яъни ўқувчининг эстетик дидини, мустақил фикрлашини, хотирасини, ақлий меҳнат қилиш маданиятини, алоқа-муносабат маданиятини, мустақил билим олиш кўникма ва малакаларини ривожлантиришни ўз олдига мақсад қилиб олади. Хорижий тилни ўргатишнинг ривожлантирувчи мақсад ўқувчи шахсининг ақлий, инстинктив, ҳиссий ва мотивацион (ички туртки, қизиқиш) хусусиятларини ривожлантириш вазифасини ҳам бажаради ва нутқий ҳаракатлар жараёнида

амалга ошади, юзага чиқади. Бу мақсад ўқувчиларни дарс жараёнида ва дарсдан ташқари машғулотлар жараёнида мустақил ўқиб ўрганишга ҳам этибор қаратади.

Хозирги даврда чет тили ўқитиш мазмуни устида анчагина илмий ишлар килинган. 1987 йилда Ж. Ж. Жалоловнинг чет тили ўқитиш мазмуни масалаларига багишланган монографияси (Проблема содержания обучения к иностранному языку) босмадан чиқди. Унда чет тили ўқитиш мазмуни масалалари тилшунослик, психология, дидактика, лингвометодика нуқтаи назаридан ишлаб чиқилган ҳамда унинг асосини белгилаш, аниқдаш йўл-йўриклари, талаблари кўрсатилган. Хозирги даврда чет тилини ўқитиш мазмунини нутқ фаолиятининг турига қараб танлаш ғоялари кенг ривожланмоқда.

Хозирги даврда чет тили ўқитишни тубдан узгартиришни кўзда тутди. Унинг куйидаги 3 та талаби бор.

1. Чет тили ўқитиш илмий савиясини ва амалий йуналишда булишини ошириш;
2. Чет тили предметининг тарбиявий томонини кучайтириш;
3. Чет тили ўқув предметини мустақил эгаллаш. [73: 43 б]

Бугунги кунда чет тили фани биринчи навбатда коммуникатив мақсадларда ўргатилади ва ўқитиш мазмунини белгилашда ўқувчиларнинг ҳаётий эҳтиёжларига мос келадиган, уларда гапиришга, фикр ёки муносабат билдиришга рағбат уйғотадиган, кундалик ҳаётлари жараёнида энг кўп дуч келинадиган мавзулар асосида мулоқотга ўргатиш бош вазифа қилиб белгиланмоқда. Нутқ, мавзуларини мулоқотга ўргатиш мақсадида танлаш масаласи методист-олимлар ўртасида ҳамон ўзининг якуний ечимини топмасдан, баҳс-мунозараларга сабаб бўлиб келмоқда.

Тўғри, умумтаълим мактабларида тил ўргатиш мавзулари чегараланган тематик (ситуатив) минимумга асослананаши исботланган. Шу сабаб, мактаб дастурига киритиладиган мавзуларни белгилашда «ўқувчи ва унинг теварак

атрофи», «бизнинг ватан», «тили ўрганилаётган мамлакат» мезонига риоя қилиш талаб қилиниб келинди. Аммо бундай муҳит чет тили, олмон, рус ва ўзбек ўқувчилари учун ўзига хос, миллий характерга эга эканлигини ҳисобга олишга тўғри келади. Бинобарин, ўзбек мактаблари ўқувчилари учун нутқ мавзулари танлашда Россия мактаблари учун танланган нутқ мавзуларидан фойдаланиб бўлмайди, яъни миллий ўзига хослик ҳисобга олиниши керак.

Кўникма ва малакаларни шакллантириш чет тили ўқитиш мазмунининг иккинчи компонентини ташкил қилади. Маълумки, ҳар қандай фаолият тегишли кўникма ва малакалар шакллансагина автоматлашган характерга эга бўлади.

Рухшуносликда «кўникма» атамаси «у ёки бу ақлий ҳаракатни бир хил шароитда кўп марта такрорлаш натижасида ҳосил қилинган, автоматлашган онгли фаолият» дея таъриф берилади. «Малака» эса йнсоннинг олган билим ва кўникмаларини амалий фаолият жараёнида қўллай олиш қобилиятидир.

Ҳар бир чет тили ўқитувчиси билиши зарур бўлган чет тили ўқитиш методикасининг тамойил, усул ва йуллари бор. Чет тили ўқитиш методикаси тамойилларини айрим олимлар таълим тарбия қонунларини белгиловчи усуллар воситаси десалар, бошқалари уни метод заминида ётувчи бошланғич асосий дастлабки қоида, деб биладилар.

Ҳозирги даврда чет тили ўқитишда турли тамойиллардан фойдаланилади:

1. Лингвистик тамойиллар.
2. Дидактик тамойиллар.
3. Психологик тамойиллар.
4. Чет тили ўқитишнинг соф методик тамойиллари. [73: 39 б]

Чет тилида эркин гапира олиш, ўқиб, эшитиб тушунишни ўрганиб олиш учун бу ўринда ҳам тегишли кўникма ва малакалар шакллантирилиши талаб қилинади. Кўникма ва малакаларни шакллантириш мураккаб психологик жараён бўлиб у кўп жихатдан фикрлаш билан боғлиқдир. Чунки фикрлашсиз ҳеч қандай нутқ, вужудга келмайди. Шунинг учун чет тили дарсларида ўқувчиларнинг абстракт, мантиқий фикрлаш қобилиятларини

ривожлантиришга алоҳида аҳамият берилади. Кўникма ва малакалар қанчалар мустаҳкам шакллантирилса, ўқувчиларнинг гапириш, ўқиб ва эшитиб тушуниш фикрларини ёзма баён қилиш қобилиятлари шунчалик яхши ривожланади.

Нутқда тил бирликлари коммуникатив вазифани бажаради. Бу ўринда тил ва нутқ тушунчасини фарқлаш муҳимдир. Замонавий тилшуносликда тил деганда ижтимоий аҳамиятга эга бўлган коммуникатив шифрни ёки жамият аъзолари онгида мустаҳдамланган бу коддан фойдаланиш ҳақидаги қоидалар тушунилади. Бошқача қилиб айтганда, тил бу алоқа учун зарур ва етарли бўлган тил воситалари тизими ва улардан фойдаланиш қоидаларидан иборатдир. Сўз эса тил тизимининг маълум нутқ, ҳаракатларида ифодаланишидир, яъни нутқ жараёнини ҳам, шу жараён махсули бўлган матнларни ҳам ўз ичига олади.

Тилдан амалий фойдаланиш учун, яъни нутқни ўзлаштириш учун тил воситалари ва улардан фойдаланиш қоидаларинигина билиш эмас, балки уларни нутқий ҳаракатларда автоматик равишда қўллашни билиш зарур юкоридагилардан ўқитиш жараёнида фақат тил воситаларини эса сақлаш ва уларни қўллаш малакасинигина мустаҳкамлашни кўзда тутмай, муомалада машқ қилиш, яъни нутқда ҳаракатларни амалга ошириш ҳам ҳисобга олиниши керак деган хулосага келиш мумкин.

Тил бирликлари ҳисобланган фонемалар, морфемалар, сузларни ўзлаштириш жараёнини таъминлаш учун уларнинг ўзига хос хусусиятларини билига керак. Бундай материал тилшуносликдан олинади.

Кейинги пайтларда структурал тилшуносликнинг ривожланишида моделлаштириш масалаларига катта эътибор берилди. Бу чет тиллар ўқитиш методикасида типовой гаплар, нутқ намуналари, нутқ қолиплари каби янги йуналишлар пайдо бўлишига ёрдам берди. Турли лексика ва турли грамматик шаклларга эга бўлган гаплардан фойдаланиш, шу асосда нутқ механизмини шакллантириш усуллари, нутқ намунаси асосида оғзаки нутқни шакллантириш ва ривожлантириш методикаси ишлаб чиқилди. Бундай

намуналар ўқишни эгаллаш учун ўрганиладиган тил воситаларининг мажмуасини белгилайди ва нотаниш материалнинг киритилиши қай даражада мумкинлигини аниқлайди.

XX асрнинг 80-йиллари тилшуносликда коммуникатив тилшунослик мустақил илмий изланиш йўналиши сифатида ажралиб чиқди. Тилшуносликнинг бу йўналиши матн назариясининг яратилиши ва ривожланишига, методикада коммуникатив ёндошув принципларини ишлаб чиқилишига ёрдам берди.

Чет тили ўқитишдаги коммуникатив йўналиш ўқувчиларга коммуникатив вазиятга мос равишда мулоқотга қатнашиш йулларини ўргатади коммуникатив компетенциясини-салоҳиятини, тил воситаларидан керакли вазиятларда фойдалана олишда омилкорлик қобилиятларини шаклланишига олиб келади.

Психологик тадқиқотлардан маълум бўлишича ўқувчилар она тили, рус тилидан ўзлаштирган билим, кўникма ва малакаларини чет тилини ўрганиш жараёнига кириши мумкин. Бироқ бу кўчириш салбий ва ижобий оқибатларга олиб келиши мумкин. Агар ўқувчиларнинг бошқа тиллардан эгаллаган кўникма ва малакалари чет тили ўрганишда фойда берса, у ижобий кўчиш, транспозиция деб аталади. Агар бу кўчиш салбий оқибатларга олиб келса, яъни чет тили ўрганишга ҳалақат берса, бу кучиш интерференция деб аталади. Бундай ижобий ёки салбий таъсир талаффузни, янги лексикани, грамматиками, гапиришни, уқишни ва ёзишни ўргатишда ҳам содир булиши мумкин. Ўқитувчи уларни олдиндан аниқдаб, ижобий таъсирлардан фойдаланишни, салбий таъсирларнинг олдини олиши, йўқотиш чораларини ишлаб чиқиши лозим.

Методика педагогик психологиядан таълим-тарбия беришнинг ўзига хос хусусиятларини, ўқувчиларнинг ўқув фаолиятини ташкил қилиш ва бошқариш йўл-йўриklarини, ёш психологиясидан эса таълимни ташкил қилишда индивидуал, дифференциал ёндошув принципларини ўрганиб, уларга амал қилади.

Нейропсихология чет тиллар ўқитиш методикасида психик ходисалар миянинг физиологик тузилишига боғлиқлиги ҳақидаги маълумотлар билан таништирса, психолингвистика фикр, гапни нутққа, коммуникатив нутқда тўғри келиш-келмаслик масалаларини ойдинлаштириб беради. [45:16 б]

Методик адабиётларда «ўқитиш методлари», «таълим методлари» деб юритилган бу тушунчани «ўргатиш: методлари» деб аташ маъқул туюлади, Чунки «таълим» бутун ўқув жараёнини, ифодалайдиган тушунчадир. «Ўқитиш» тушунчаси эса «ўқишга ўргатиш» деган маънони ҳам беради. Дидактикада «метод» дейилганда ўқитувчининг ўқув дастури асосида, маълум мақсадни кўзлаган ҳолда ўқувчиларнинг ўқув фаолиятини ташкил қилиш ва бошқаришга йўналтирилган фаолияти тушунилади.

И.В.Рахманов таърифича, «Метод - мақсад сари йўналтирилган система бўлиб, у бир-бирлари билан шартли боғланган усуллардир».

Чет тиллар ўргатишнинг ривожланиш босқичларида турли методлар қўлланилган. Жумладан, қуйидаги методлар ҳақида фикрлар билдирилганлигини кўрамиз:

1. Грамматик-таржима методи;
2. Лексик-таржима методи;
- 3.Тўғри метод;
4. Пальмер методи;
- 5.Уэст методи;
6. Аудио-лингвал метод;
- 7.Аудио-визуал метод;
8. Онгли тавдослаш методи;
- 9.Коммуникатив метод; Ю.Проблемали (муаммоли) ўқитиш методи;
- 11 .Интенсив (тезлаштириб) ўқитиш методи;
- 12.Проектлаб ўқитиш методи ва х.к. [45.18 б]

Хорижий тилни ўқитиш методиканинг ўқитиш методикасининг илк боскичларида шаклланган ва амалиётда кенг қўлланилган грамматик таржима методида чет тилларни ўргатиш асосан таржима орқали грамматик коидаларни ўзлаштириш кўзда тутилган бўлса, аудио-лингвал метод эшитилган лексик-грамматик материални кўп марталик такрор жараёнида ўзлаштиришни казарда тутган. Бу методларнинг вужудга келишига, ҳеч муболағасиз, ижтимоий фанлар педагогика, психология, шахс психологияси, лингвистика, психоллингвистика фанларининг ривожланиши ва таъсири катга булди. Фикримизча, чет тили ўргатиш методлари хақидаги бундай турли туманлик-методист олимлар орасида ҳамон ягона фикр йўқлигидан далолат беради. Масалан, И.В. Раҳманов ва МВ. - Ляховицкийларнинг фикрича чет тилини учта умумий метод орқали ўргатиш мумкин:

- 1.Намойиш қилиш (демонстрация) методи;
- 2.Тушунтириш методи;
- 3.Машк ишлатиш ёки амалий ишларни ташкил қилиш методи.

Р.К.Миньяр-Белоручев эса бу уч методни бошқача атамалар орқали номлашни таклиф қилади:

1. Тушунтириш методи;
2. Курсатиш методи;
3. Мустахкамлаш методи.

И.Л.Бим эса ўргатиш методларини таснифлар экан уларни: 1.Курсатиш; 2. Тушунтириш; 3. Машк бажартириш; 4. Малакаларни бир неча турларга бўлади. Е.И.Пассов, И.М. Махмутовларнинг тадқиқотларида уларнинг сони янада купайтирилади:

1. Тушунтириш методи (рецептив метод ёки кўрғазмали тушунтириш методи);
2. Репродуктив (аввал ўрганилган билимларни янги вазиятларда қўллаш) Матод;
- 3.Муаммоли (проблемали) ўқитиш методи;
- 4.Эвристик суҳбат методи;

5. Илмий изланиш ёки илмий тадқиқот ўтказиш орқали ўргатиш методи.  
[45.18 б]

Бизнинг фикримизча хорижий тилларни ўргатиш методларнинг бундай турли-туман таснифланишида ўргатиш методлари, усуллари, принциплари ўзаро аралаштирилиб юборилгандай. Шу сабаб юқорида келтирилган барча методларни ўзида жамловчи Р.К. Миньяр-Белоручевнинг таснифи анча ҳақиқатга яқин. Чунки, юқорида айтиб ўтилган кўрсатиш ва мустахкамлаш методлари орқали репродуктивликни таминлаш, муаммоли ўргатишни эвристик суҳбат орқали ёки шу жараёнда изланишни ташкил қилиш мумкин.

Хорижий тилида хусусан инглиз тилида сўзлашувга ўргатиш коммуникатив вазиятлар орқали амалга оширилади. Бу ўринда ўқувчи ҳаётида юз бериши мумкин бўлган коммуникатив вазиятларга алоҳида эътибор берилди. Ўқувчи тил қоидасини яхши ўзлаштириб олган бўлса-да, унда гапириш, ўз фикрини суҳбатдоши эътиборига хавола қилиш малакаси етишмаслиги мумкин. Бу ўринда ўқувчиларнинг фақат лингвистик компетенциясини (салоҳиятини) шакллантиришга эмас, коммуникатив компетентиясини шакллантиришга алоҳида эътибор берилди. Ўқувчи ўқув материалида билдирилган ахборотга муносабат, фикр билдиришнинг турли табиий ва сунъий коммуникатив вазиятларда урганиё олади. Шу жиҳатлари билан коммуникативлик принципи функционал ёндашув методига ёки таълим жараёнини оғзаки нутқда ўстириш) уйғунлашиб кетади.

Бу ўринда ўқувчилар гапиришга, мулоқотга киришишга ва бу жараёни грамматик қоидаларни оғзаки нутқ таркибида ўзлаштириб олиш орқали ўрганадилар. Бу дегани чет тили ўқитишда грамматик материални ўргатиши шарт эмас дегани эмас. Коммуникативлик принципи чет тили ўқитишни сўзлашувга ўргатиш дарсларида кенг амалга оширилади.

Ўқитишни коммуникатив йўналишда олиб бориш ўз навбати, ўқувчиларнинг фаоллигига, ўқув материалининг мотивлаштирилишига боғлиқ. Фаоллик ва мотивлаштириш юқорида

А.К.Кучибоев айтиб ўтганидек ўқити методларидан самарали фойдаланиш, синфдан ташқари ишларни тўғри ташкил қилиш орқали амалга оширилади.

Бу босқичда энди ўқувчилар жуфтликлари, гуруҳлари алоҳида нутқ машқлари бажарилади. Бу босқичда бажариладиган нутқ, машқларини методик жиҳатдан ташкил қилиш алоҳида мавзу бўлганлиги учун, бу масалага тўхталиб ўтирмаймиз. Бу босқич уша машғулотнинг охирида ёки навбатдаги машғулотда ўқувчилар жуфтликларининг, гуруҳларининг ўзаро фикр алмашувини тешириш ва баҳолаш сифатида ташкил қилиниши ҳам мумкин.

Маълумки, барча ўқувчиларнинг узлаштиришини ҳар бир дарсда системали иборат қилиш ва баҳолаш ўқувчилар жуфтликларини, гуруҳларини ўқув мнсъулиятини янада ошишига, жуфтликларда, гуруҳ ичида яхши баҳо олишдаги ҳамкорликни мустаҳкамлашга хизмат қилади. Яқка ўқувчини эмас, гуруҳнинг ўзлаштиришини баҳолаш бундай масъулиятни янада оширади.

Белгиланган коммуникатив топшириқ мулоқот даражасида ўзлаштирилганидан сўнг, дастурда белгиланган фонетик, лексик, грамматик қоидалар тушунтирилади. Табиийки, мулоқот даражасида ўзлаштирилган билимлар осонгина идрок қилинади.

Фаолият якунида коммуникатив топшириқка оид матнни тинглаб тушуниш, ўқиб тушуниш, фикрни ёзма баён қилишга мулжалланган машғулотлар ташкил қилинади. Бу босқичда ўқувчилар илк бора ўзлари мулоқот жараёнида ўзлаштирган лексик бирликларнинг ёзилиш тимсоллари, грамматик ва синтактик қурилмалар билан танишадилар.

Рус олими А.Л.Старков грамматик структураларни грамматик малакалар шакллантирувчи асосий усул деб таърифлаб, уларнинг типлари ва ўзлаштириш босқичлари ҳақида муфассал фикрлар билдиради. Р.К.Миньяр-Белоручев грамматик малакаларни структуралар орқали шакллантиришни танқид қилиб, бу ёндошув механик характердаги, ўқувчиларнинг тез зериктириб қуядиган» чет тили ўрганишга кизиқишни сусайтирадиган усул

деб таъриф беради. У грамматик малакаларни шакллантиришнииг коммуникатив усулларига алохида ахамият бериб, хар кандай грамматик малака факат нутқ вазиятларида, мулоқот жараёнида ўзлаштиришни ёқлаб чиқади.

Грамматик малакаларни шакллантирида коммуникатив усуллардан фойдаланишнинг яна бир тарафдори Е.И. Пассовнинг фикрича коммуникатив усуллар ўқув жараёнининг мотивлаштирилганлик даражасини оширади. Бу усулдаги ишларда грамматик материал билан таништириш, дастлабки грамматик кўникмаларни шакллантиришга мўлжалланган, грамматик малакаларни такомиллаштиришга мулжалланган барча ишлар нутқ вазиятлари на мулоқот жараёнида ташкил қилиниши кўзда тутилади. Қолавёрса, хар бир грамматик мавзунини тушунтиришда ва мустахкамлашда хақиқий нутқ вазиятларини яратиш хар кандай ўқитувчининг ҳам қўлидан келавермайди. Шу сабабли грамматик малакаларни шакллантиришнииг дифференциал усулларидан (ўқувчиларнинг ўзлаштириш даражаларига, вазиятга қараб фойдаланиладиган усуллар) фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Грамматик малакаларни шакллантиришда дифференциал усуллардан фойдаланиш ўқитишнинг мақсадига кўра, грамматик материалнинг осонқийинлигига кўра, ўқувчиларнинг тайёргарлик даражаларига кўра юкорида баён қилинган барча ёндошувлардан самарали фойдаланишни назарда тутади. [45: 69 б]

Тинглаб тушунишга ўргатиш деганда эшитилган товушни фонетик, лексик, грамматик в семантик жихатдан идрок қилиш, фаҳмлаш кўзда тутилади. Демак, эшитилган нутқ мазмунини туғри тушуниш учун ўқувчиларда фонетик, лексик, грамматик малакалар шаклланган бўлишлиги талаб қилинади. Нутқни тинглаб тушунишга, яъни идрок этишга ўргатиш ўз навбатида ўқувчининг эшитиш қобилиятин такомиллаштирувчи, хотира ва диққатини ривожлайтирувчи, товуш оҳангларини фарқдашга, лексик бирликлар маъносини ва ўзаро бирикадигайи сўзлар орасидаги грамматик

боғликликларни ўзлаштиришга ўргатадиган жараёндир. Ўқувчи тинглаётган нутқни эшитиш, кўриш, хис қилиш, нутқ ҳаракат анализаторлари орқали қабул қилиб, уларни хотирасида сақланаётган стереотиплар (андозалар) билан киёслайди. Ўхшаш фонетик, лексик, грамматик белгиларни фахмлаб, тегишли тушунчаларга эга бўлади. Бу жараёнда ўқувчи миясининг анализ-синтез қилиш фаолияти бошланиб, анализаторлар узатган сигналларни мантиқий тушуна бошлайди. Оқибат натижада ўқувчининг тинглаб тушуниш фаолияти бошланади, маълум мавзуларга оид фикрларни тинглаб тушуниш кўникмалари шакллана бошлайди. Бу кўникмалар махсус бажартириладиган машқлар орқали малакаларга айлантирилади.

Тинглаб тушунишга ўргатиш нутқ фаолиятига ўргатишнинг алоҳида бир босқичи сифатида гапиришга, ўқиш ва ёзишга ўргатиш билан чамбарчас боғлиқдир. Бу босқич дарсинг алоҳида бир қисми сифатида, ёки нутқ фаолиятининг бошқа турлари билан комплекс ҳолда ташкил қилинади.

Аслини олганда ўқувчилар 5-синфдан бошлаб ўқитувчининг кундалик дарсларида гапираётган чет тилидаги жумлаларини эшитиб тушунишга ўрганадилар. Бундай жумлалар миқдори таълим босқичларига ва ўқувчиларнинг ўзлаштиришларига кўра ҳар бир дарсда тобора купайтирилиб борилади. Ўқувчилар ўқитувчининг янги сўзларни, грамматик қоидаларни тушунтириши жараёнида тинглаб тушунишга ўргана бошлайдилар. Бундай жараён методик адабиётларда **умумий дастур асосида уюштирилган тинглаб тушунишга ўргатиш** дейилади. Бу жараёнда ўқувчидан иложи бориचा чет тилида гапириш талаб қилинади. Ўқитувчи 6-синфдан бошлаб ўқув дастурига мос келадиган махсус матнларни тинглаб тушунишга ўргата бошлайди. Бу жараён дарсинг алоҳида бир босқичи сифатида режалаштирилади ва шунга мос методик тайёргарликлар кўришни такозо қилади. Методик адабиётларда бу жараён махсус дастур асосида ташкил қилинадиган тинглаб тушунишга ўргатиш деб аталади. Бундай тинглаб

тушунишга ўргатиш натижапари махсус машқлар ва назорат усуллари билан баҳоланади.

Хорижий тил воситаларидан фойдаланиб фикрни оғзаки баён қилишга ўргатиш анча мураккаб жараён бўлиб, бунда бир йула учта нуткий дастурни бажаришга туғри келади: тил материални таниш, идрок қилиш ва фахмлаш, уни нутқ жараёнида қўллаш. Шундан келиб чиқиб биринчи навбатда ўқувчиларнинг лингвистик компетенциясини (тил материални таниш салохиятини) шакллантириш, яъни лексик, грамматик малакаларини шакллантириш муҳимдир. Гапиришга ўргатиш жумлаларни хотирлаш, идрок қилиш, маълум бир нутқ вазиятида фикр билдира олиш, хато қилиб қўйишдан чучимаслик каби қатор психологик факторларга ҳам боғлиқ.

Маълумки, гапиришга ўргатиш диалог ва монолог шаклида амалга оширилади. Масалага тилшунослик, психологик ва методик нуктаи назардан қарайдиган бўлсак, бу нутқ, турларига ўргатишнинг грамматик, синтактик, психологик ва методик хусусиятлари турлича эканлигига гувоҳи бўламиз. Масалан, диалог маълум бир мавзу доирасида ташкил қилинадиган ва маълум бир гап структуралари орқали ташкил қилинадиган икки ёки ундан ортиқ суҳбатдошларнинг нутқ вазиятларига боғлиқ бўлган ўзаро реплика мослашинувига асосланса, монолог бир киши томонидан гапириладиган ва мантикан яқунланган, бир неча жумлалардан тузилган, нутқ вазиятларига киритилмаган нутқдир. Ўқитувчининг дарсидаги тушунтиришлари, бирор мавзудаги ҳикояси, нотикнинг мажлисидаги маърузаси, суҳандоннинг радио ва телевидениедаги нутқи монологга (якка нутқка) мисол бўла олади,

## Ш.БОБ. Ўзбекистонда хорижий тиллар тараққиёти

### 3.1. Ўзбекистонда чет тилларини ўрганишни такомиллаштириш

Ҳар бир минтақанинг демографик ва журофий хусусиятларидан келиб чиқиб, академик лицейлар, касб-хунар коллежлари тармоғи барпо этилади. Таълим олувчиларни оиладан ажралмаган ҳолда ўқишга имкон қадар кўпроқ қамраб олинади.

Мавжуд таълим муассасаларини капитал таъмирлаш ва янги таълим муассасалари қуриш, уларни норматив талабларга мувофиқ, замонавий техника ва технологияларнинг даражасини ҳисобга олган ҳолда жиҳозланишини таъминлаш чоралари кўрилади.

Ўқув-тарбия муассасаларини зарур ускуналар, инвентарлар, ашёлар, таълимнинг техникавий, дастурий ва дидактик воситалари билан жиҳозлаш юзасидан ихтисослаштирилган ишлаб чиқаришларни вужудга келтириш қўллаб-қувватланади. Барча босқичдаги таълим жараёнларини компьютерлаштириш ва ахборотлаштириш амалга оширилади.

Таълим ва кадрлар тайёрлаш соҳасида илғор амалий илмий тадқиқотлар ўтказилади, таълим сифати давлат таълим стандартларига мувофиқ келишини ташкил этиш ва таъминлаш мақсадида педагогика ва таълим соҳасида илмий тадқиқотлар ва илмий-услубий қўлланмалар ишлаб чиқиш фаоллаштирилади. Фонда-ментал ва амалий фан соҳасидаги илмий кадрларнинг таълим жараёнидаги иштироки рағбатлантирилади, педагогик ва илмий-тадқиқот жараёнларининг алоқаси таъминланади. Ёшларнинг фан-техника соҳасидаги ижодкорлиги ҳар томонлама қўллаб-қувватланади. [3:57]

XXI аср, шубҳасиз, халқаро муносабатларда бутун дунё қамраб олинган аср бўлади. Бундай шароитда интеграция жараёнини, халқаро институтлар ва ташкилотларда суверен давлатларнинг инггирок этишини кенгайтириш жараёнини фақат тарих тақозоси деб эмас, балки айрим минтақалар кўламида ҳам, шунингдек, умуман — бутун сайёрамиз кўламида

хам собит-қадамлик, барқарорликнинг қудратли омили деб ҳисобламоқ зарур. [5:2986]

Дарҳақиқат, Ўзбекистон мустақилликка эришгач, кескин ижобий ўзгаришлар юз бера бошлади. Шу ўринда айтиб ўтиш керакки жамият ривожда тил муҳим рол ўйнайди ва шу билан бирга инсонлар ҳаётининг барча жабҳаларида глобаллашувни таъминлайди.

Ўзбекистоннинг мустақил ривожланишидаги ўтган қисқа тарихий даврда республикани суверен давлат сифатида қарор топтириш юзасидан улкан ишлар амалга оширилди. Хозир Ўзбекистонни 165 давлат тан олган. Дунёдаги 120 дан ортиқ мамлакат билан расмий дипломатия муносабатлари ўрнатилган. Тошкентда 35 мамлакат уз элчихонасини очган.

Бугунги кунда Ўзбекистон тўла ҳуқуқди асосда энг обрули ва нуфузли халқаро ташкилотлар таркибига кирган бўлиб, барча қитъалардаги ўнлаб мамлакатлар билан дўстона алоқаларни ривожлантириб бормоқда. Энг йирик банк ва молия органлари, нодавлат ва ноҳукумат ташкилотлари билан яқиндан ҳамкорлик қилмоқда. Республикада 88 та чет давлат ваколатхоналари руйхатдан утган, 24 та ҳукуматлараро ташкилот ва 13 та ноҳукумат ташкилоти ишлаб турибди. Утган йиллар мобайнида республика куплаб жуда муҳим халқаро конвенцияларга қўшилди.

***Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида***

***10.12.2012 20:33***

***Ўзбекистан Республикаси Президентининг Қарори***

Қайд этиб ўтилсинки, мамлакатда Ўзбекистан Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги қонунини ҳамда Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга ошириш доирасида чет тилларга ўқитишнинг комплекс тизими, яъни уйғун камол топган, ўқимишли, замонавий фикрловчи ёш авлодни шакллантиришга, республиканинг жаҳон ҳамжамиятига янада интеграциялашувига йўналтирилган тизим яратилди.

Мустакиллик йилларида 51,7 минг нафардан зиёд чет тиллар ўқитувчилари тайёрланди, умумтаълим мактабларининг 5-9 синфлари учун инглиз, немис ва француз тиллари буйича мультимедиа дарсликлари, бошланғич синфларда инглиз тилини урганиш бичица электрон ресурслар тайёрланди, умумтаълим мактабларида, касб-хунар коллежлари ва академик лицейларда 5 мингдан кўпроқ лингафон кабинетлари жихозланди.

Шу билан бирга, чет тилларни ўрганишни ташкил қилишнинг амалдаги тизимини таҳлил этиш шуни кўрсатмоқдаки, таълим стандартлари, Ўқув дастурлари ва дарсликлар замон талабларига, хусусан, илғор ахборот ва медиа-технологиялардан фойдаланиш борасидаги талабга тўлиқ жавоб бермаяпти. Таълим асосан анъанавий услубларда олиб борилмоқда. Таълим тизимининг барча босқичларида чет тилларни узлуксиз ўрганишни ташкил қилиш, шунингдек, ўқитувчилар малакасини ошириш ҳамда замонавий ўқув-услубий материаллар билан таъминлаш янада такомиллаштирилишини тақозо этади.

Замонавий педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган холда ўқитишнинг илғор услубларини жорий этиш йўли билан, ўсиб келаётган ёш авлодни чет тилларга ўқитиш, шу тилларда эркин сўзлаша оладиган мутахассисларни тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ҳамда бунинг негизида, уларнинг жаҳон цивилизацияси ютуқлари ҳамда дунё ахборот ресурсларидан кенг кўламда фойдаланишлари, халқаро ҳамкорлик ва мулоқотни ривожлантиришлари учун шарт-шароит ва имкониятлар яратиш мақсадида:

1. Белгилаб қўйилсинки, 2013/2014 ўқув йилидан бошлаб:

республиканинг барча худудида чет тилларни, асосан, инглиз тилини ўрганиш умумтаълим мактабларининг биринчи синфларидан уйин тарзидаги дарслар ва оғзаки нутқ дарслари шаклида, иккинчи синфдан бошлаб эса, алифбо, ўқиш ва грамматикани ўзлаштиришдан босқичма-босқич бошланади;

олий ўқув юртларида айрим махсус фанларни, хусусан, техник ва халқаро мутахассисликлар буйича ўқитиш чет тилларда олиб борилади;

умумий ўрта, ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларининг ўқувчилари ва ўқитувчиларини чет тиллар буйича дарсликлар ва ўқув-услубий комплекслар билан таъминлаш, уларни белгиланган муддатларга риоя этилган ҳолда қайта нашр этиш, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Республика мақсадли китоб жамгармасининг айланма маблағлари ҳисобидан бепул амалга оширилади.

2. Ўзбекистон Республикаси таълим тизимининг барча босқичларида чет тилларни ўрганишни кенгайтириш чора-тадбирлари дастури 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Дастурга киритилган чора-тадбирлар белгиланган муддатларга мувофиқ сифатли ва ўз вақтида бажарилиши юзасидан шахсий жавобгарлик Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, бошқа вазирликлар, идора ва ижрочи-ташкilotлар раҳбарлари зиммасига юклатилсин.

3. Чет тилларни ўрганишни янада ривожлантириш буйича доимий ишлайдиган Мувофиқлаштирувчи кенгаш (кейинги ўринларда - Мувофиқлаштирувчи кенгаш деб юритилади) 2-иловага мувофиқ таркибда ташкил қилинсин, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети унинг ишчи органи этиб белгилансин.

Мувофиқлаштирувчи кенгаш (А.Икромов) манфаатдор вазирликлар, идоралар билан биргаликда ҳамда етакчи олим ва мутахассисларни жалб этган ҳолда:

2013 йилнинг 1 мартигача бўлган муддатда ҳар бир таълим босқичида чет тилларни билиш даражасининг аниқ мезонларини назарда тутувчи янги таълим стандартлари тасдиқланишини таъминласин;

2013 йилнинг 1 майигача бўлган муддатда умумтаълим мактабларининг биринчи синфидан бошлаб чет тиллар таълимини узлуксиз жорий этилишини, шунингдек, таълимнинг барча босқичларида унинг

давомийлигини назарда тутувчи умумтаълим мактаблари, Урта махсус, касб-хунар ва олий ўқув юртларининг янги ўқув режалари ва дастурлари тасдиқланишини таъминласин;

таълим стандартлари, ўқув дастурлари ва режалари, дарсликларни ишлаб чиқиш, шунингдек, таълим жараёнини ташкил этиш учун етакчи хорижий ўқув марказларини, чет тиллар буйича халқаро экспертлар ва мутахассисларни жалб этсин;

ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда чет тилларни ўқитиш тизими тубдан қайта кўриб чиқилиши ва кучайтирилишини, ўқув яқунлари буйича умумэътироф этилган тестлар (имтихонлар) топширилишини таъминласин.

4. Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази таркибида Чет тилларни билиш ва эгаллаш даражасини баҳолаш бошқармаси ташкил қилинсин, Марказ ходимларининг сони 12 кишига кучайтирилсин ва унинг вазифалари қуйидагилардан иборат этиб белгилансин:

халқаро эътироф этилган стандартларнинг талабларига мувофиқ чет тилларни билиш даражасини баҳолашнинг Миллий тест тизимини ишлаб чиқиш ва жорий этиш;

ўрганувчиларни чет тилини билиш ва эгаллаш даражасини аниқлашни тўлов асосида тест ўтказиш (жумладан, Интернет орқали масофавий) ва давлат намунасидаги тегишли малака сертификатини беришни ташкил этиш;

ўрганувчиларнинг мустақил равишда, чет тилини билиш ва эгаллаш даражасини аниқлаш учун, тестга тайёрланишларига зарур маълумотларни тайёрлаш ва Интернет тармоғига жойлаштириш.

Марказнинг бюджетдан ташқари даромадлари ҳисобидан унга юкланган вазифаларни бажариш учун Марказга тўлов асосида мустақил экспертларни ва имтихон олувчиларни жалб этиш ҳуқуқи берилсин.

5. Давлат тест маркази манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда, икки ой муддатда, 2015/2016 ўқув йилларидан бошлаб, барча олий таълим муассасаларига кириш тестлари блокига хорижий тилни киритиш буйича таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

6. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

умумтаълим мактаблари, ўрта махсус, касб-хунар ўқув муассасаларида чет тиллар ўқитувчиларига зарур эҳтиёжи бўлган узоқ туманлар ва қишлоқ аҳоли пунктларида яшаётган аҳоли ичидан маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг тавсияномалари асосида чет тиллар ўқитувчилари ихтисослигига олий таълим муассасаларига мақсадли қабулни амалга оширишга рухсат этилади;

мақсадли қабул асосида олий таълим муассасасига ўқишга қабул қилинган шахслар, ўқишни битирганларидан сўнг, ўзлари яшайдиган жойларда жойлашган ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари тавсияномаларида кўрсатилган таълим муассасаларида 5 йилдан кам бўлмаган муддатда олинган мутахассисликлари буйича ишлаб беришлари шарт.

7. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ва Молия вазирлигининг чет тиллар ўқитувчилари ва муаллимларига конун ҳужжатлари билан белгиланган рағбатлантирилувчи тўловлар ва қўшимчаларни ҳисоблашда, уларнинг лавозим маошлари таркибига киритган ҳолда қишлоқ жойларда жойлашган таълим муассасаларида уларнинг тариф ставкаларига 30 фоиз ва бошка таълим муассасаларида 15 фоиз ставкалари микдоридаги ҳар ойдаги қўшимчалар қўшиб беришни белгилаш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази уч ой муддатда, молиялаш манбалари Давлат бюджети ва бюджетдан ташқари жамғармалар, хорижий кредитлар ва халқаро грантлар, шунингдек, хомийлар ва хайриячилар маблағлари кўзда тутилган ҳолда, 2013-2016 йилларда таълим муассасалари хорижий тиллар кабинетларини замонавий ахборот-коммуникация ва ўқитишнинг техник воситалари ва анжомлари билан (қушимча жихозлаш) жихозлашнинг жадаллаштирилган дастурини ишлаб чиқсин ҳамда Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ва Молия

вазирлиги билан келишилган холда уни Вазирлар Махкамасига тасдиқдаш учун киритсин.

9. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Давлат алоқд, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари кўмитаси, Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги ҳамда Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, болалар ва ёшларнинг манфаатлари ҳамда қизиқишларини инобатга олган холда, қуйидагиларни таъминласин:

телевидение, шу жумладан маҳаллий телеканаллар орқали болалар ва ўсмирларни хорижий тилларга ўргатиш бўйича кўрсатувлар тайёрлаш ҳамда уларни трансляция қилиш, бошқа халқларнинг тарихи ва маданияти, жаҳон илми ва техникасига бағишланган илмий-оммабоп хорижий бадиий ҳамда мультипликациявий фильмларни ўзбек тилидаги субтитр ёрдамида, мунтазам кўрсатиб боришни амалга ошириш;

“ZIYO.net” тармоғи орқали таълим муассасаларининг халқаро таълим ва билим олиш манбаларига кириш имкониятларини сезиларли орттириш, унинг ресурс марказини мультимедия ресурслари, шахсий компьютерлар ва мобил ускуналар учун иловалар билан бойитиш, шунингдек, инглиз тилида ўқув ва бадиий адабиётлар, ихтисослаштирилган расмлар билан безатилган газеталар ва журналларни чоп этиш, уларга махсус рукнлар ҳамда иловаларни ташкил қилиш.

10. 2013 йилдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги мазкур қарорда назарда тутилган чора-тадбирларни амалга ошириш учун асосланган ҳисоб-китоблар бўйича ҳар йили бюджет маблағлари ажратилишини назарда тутсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Олий ва урта махсус таълим вазирлиги Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қушимчалар ҳақида Вазирлар Махкамасига таклифлар, шунингдек, идоравий меъёрий ҳужжатларга тегишли ўзгартишлар киритсин.

12. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Икромов зиммасига юклансин.

***Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримов***

Қорордан кўриниб турибдики асосий мақсад Ўзбекистон ёшларининг барчасини интеллектуал жиҳатдан етук қилиб ўстиришдир. Дунёвий алоқаларни янада ривожлантириш, иқтисодий алоқаларини барқарор тусга келтириш тил билишга боғлиқ бўлиб қолган бир даврда Ўзбекистонда инглиз тилини ўрганиш долзарб мавзулардан бири бўлиб бормоқда.

Инглиз тилини ўрганиш нафақат мактабларда балки болалар боғчасида ҳам йўлга қўйилиши мақсад қилиб олинган. Зероки болалар ёшлик чоғларида ўта зеҳнли ва тез ўзлаштириш имконига эга бўлишади. Бугунги кунда боғча ёшидаги болаларга инглиз тили мусиқий, шеърый тарзда етказилмоқда. Ва бу янги педагогик технологиялар ичида ўзини оқлаган турларидан бири ҳисобланади.

Тошкент шаҳри, 2012 йил 10 декабрь

### ***3.2. Ўзбекистон таълим тизимида инглиз тили фани ўқитилиш даражаси***

Лисоний ва ижтимоий муносабатларни ўрганувчи социолингвистика фани турли хил материаллардан фойдаланади (ёзма ва оғзаки сўровнома натижалари, жамоатчилик фикрини ўрганадиган институтлар маълумотлари, аҳолини статистик таҳлил қилиш маълумотлар ва, х.к.). Ушбу материаллар билан ишлашда социолингвистика куйидаги тадқиқот методларидан фойдаланади:

- 1) бевосита кузатиш;
- 2) таркибий кузатиш (кузатувчининг коммуникантлардан бири сифатида иштирок этиши);
- 3) сўровномалар ёрдамида маълумот тўплаш;
- 4) интервью олиш (информантни табиий - эркин нутққа ёки муайян шароитга онгли йўналтиришга имкон берадиган);

5) олинган маълумотларнинг коррелятив таҳлили (жадвал курунишидаги маълумотлар, тобеликлар графиги ва математик статистикани жалб қилиш орқали ижтимоий ва лисоний кийматларнинг мустакил ва қисман ёки тўлиқ тобе ўзгарувчилар сифатида ўзаро муносабатини ўрганиш).

Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигига эришиб, иқтисодий ва ижтимоий ривожланишнинг ўзига хос ва мос йўлини танлаши кадрлар лайёрлаш тузилмаси ва мазмунини қайта ташкил этишни ҳаётий заруратга айлантди. 1992 йилда **"Таълим тўғрисида"**ги қонуннинг қабул қилиниши ушбу йўналишдаги биринчи ва жуда муҳим қадам бўлди. Ушбу қонунда таълим соҳасидаги **давлат сиёсатининг асосий тамойиллари** белгилаб қўйилди:

- таълим ва тарбиянинг инсонпарвар, демократик характерда эканлиги;
- таълимнинг узлуксизлиги ваизчиллиги;
- умумий ўрта, шунингдек, ўрта махсус, касб-хунар таълимининг мажбурийлиги;
- ўрта махсус, касб-хунар таълимининг йўналишини: академик лицейда ёки касб-хунар коллежида ўқишни танлашнинг ихтиёрийлиги;
- таълим тизимининг дунёвий характерда эканлиги;
- давлат таълим стандартлари доирасида таълим олишнинг ҳамма учун очиклиги;
- таълим дастурларини танлашга ягона ва табақалашган ёндашув;
- билимли бўлишни ва истеъдодни рағбатлантириш;
- таълим тизимида давлат ва жамоа бошқарувини уйғунлаштириш.

[Олий таълим. Меъёрий хужжатлар тўплами. "Шарқ". Тошкент, 2001:4 б.

google.uz]

Ўзбекистон республикаси мустақилликка эришганганига ҳали кўп бўлмаган бўлсада барча соҳаларни бирдай ривожлантириб бориш учун етарлича замин яратди. Хусусан таълимнинг узлуксиз шакли ишлаб чиқилгани биринчи ўринда ўсиб келаётган ёшларнинг бандлигини таъминласа, иккинчи томондан улар комил инсон бўлиб етишлари учун ҳам

илмий ҳам маданий-маънавий жиҳатдан тарбияланади. Бевосита таълим узлуксиз тарда ташкил этилиб, ҳар бир босқич ўқувчиларнинг ёшларидан келиб чиққан ҳолда улар ўргана оладиган даражадаги фанлар билан дастурланган. Мактабнинг бошланғич босқичида математика, она тили, ўқиш каби элементар фанлар қўйилган. Бу босқичда ўқувчиларнинг зеҳни анча ўткир бўлиши ҳисобга олиниб, 2013 – ўқув йилининг бошидан бошланғич синф ўқувчиларига инглиз тилини ўқитиш йўлга қўйилди.

Узлуксиз таълим. Бу малакали рақобатбардош кадрларни тайёрлаш тизимининг асоси бўлиб, таълимнинг барча турларини давлат таълим стандартларини, кадрлар тайёрлаш тизими тузилмаси ва унинг фаолият кўрсатиш муҳитини ўз ичига олади. [Олий таълим. Меъёрий хужжатлар тўплами. “Шарқ”. Тошкент, 2001.google.uz]

Шу ўринда Ўзбекистон Республикасидаги бугунги кунда фаолият кўрсатаётган ўқув юрлари ҳақидаги баъзи маълумотларни кўриб чиқсак.

**Мактаб** соҳасида «Таълим ҳақида» Қонун қабул қилдик. 1996 - 1997 ўқув йилидан бошлаб мактабларнинг биринчи синфларида ўқиш янги алифбода олиб борилди. Янги имло, алифбода ўқитиш учун зарур дастур, кўлланма ва дарсликлар яратилди.

Шу давр мобайнида 300 га яқин янги турдаги таълим муассасалари очилди. Олий ўқув юрлари қошида 46 та лицей ташкил этилди. 800 га яқин ўқувчи чет элларда таълим олди, кўпгина ўқитувчилар хорижий давлатларнинг илгор тажрибаларини ўрганиш мақсадида чет мамлакатларга бориб қайтди.

Жойларда мактабларга ва ўқитувчи мураббийларга, уларни моддий ва маънавий рағбатлантириш, ёрдам бериш масалаларига эътибор анча кучайтирилди.

Мактаб жамоаси маошлари йилдан-йилга ошириб борилмоқда. Инглиз тили ўқитувчиларининг малакаси узлуксиз тарзда ошириб борилиб улар малака ошириш давомида янги инновацион технология ва методлардан ҳам хабардор бўлиб боришмоқда.

**Ўрта махсус таълим** соҳасида вилоятларда, жойларда бизнес мактаб, кичик ва урта мактаб учун касб-ҳунар курсларининг очилиши, бозор иқтисодиёти талабларидан келиб чиққан ҳолда, янги мутахассислик (фермер, солиқ ва божхона ходими, аудит ва хаказо) ларнинг киритилиши эътиборга лойикдир.

Тошкент, Самарканд, Урганч, Тўрткўл ва Андижонда банк коллежлари ҳамда Тошкент аёллар коллежи ташкил қилиниши ҳам шулар жумласидандир.

**Олий мактаб** соҳасида тест усули жорий этилишини вилоятлар марказларида педагогика институтларининг университетларга айлантирилиши ва жойлардаги ўқув юртларига юқри таъсис низоми берилиши ташкил этилган миллий ташкилот ва халқаро жамоалар ҳисобидан чет элларга тажриба алмашиш ва талабаларни уқишга юбориш йўлга қуилиши, иқтисод ва бизнес соҳасидаги мутахассис ва ўқитувчиларни қайта тайёрлаш буйича аниқ мақсадга йуналтирилган ишлар олиб борилиши, утиш даврида 2 мингдан ортиқ талаба ва мутахассиснинг чет элларда ўқиб келиши, 200 дан ортиқ чет эл мутахассисининг Республикамиз ўқув муассасаларига жалб қилинишини қайд этишимиз зарур, деб ҳисоблайман.[1: 10-11б]

Шаҳар мактабларида инглиз тилини ўргатиш хорижий тил ўқитувчи кадрларининг малакасини ошириш мақсадида инглиз тили ўқитиладиган мактаблар ўртасида ўзаро тажриба алмашиш ташкил қилинган. Унга кўра хорижий тил ўқитувчилари дарслар давомида ҳамкасбининг дарс ўтиш методикасини кузатиб боришади. Ютуқ ва камчиликларини ўрганиб боради ва ўзаро суҳбат асосида камчиликлар кўриб чиқилади.

Биргина самарқанд шаҳар ХТМФМТТЭБ га қаршли Хўжаназар маҳалласида жойлашган 15 – умумтаълим мактабида инглиз тили ўқув жараёнини ўрганиб чиқдик. Мактабда иккита инглиз тили ўқитувчиси фаолият кўрсатмоқда. Ўқув жараёнини ташкил этишда ўқитувчилар инглиз тили грамматикасини ўргатиш билан биргаликда ўқувчиларни турли

ўйинларга асосланган педагогик инновацион методлардан ҳам фойдаланишади.

Мисол қилиб оладиган бўлсак 5-6 синф ўқувчиларининг дарсини кузатганимизда сўз ёдлатишнинг битта усулининг гувоҳи бўлдик. Унга кўра янги сўзлар доскага таржимаси билан ёзилиб ҳар сафар таржимаси билан ўқитирилар экан. Ҳар сафар сўзлар бошидан ўқилиши олдида битта таржима ва инглиз тилидаги сўз ўчириб борилади. Сўзларни ўқитиш гуруҳларга бўлиб ёки яққа ўқувчи тарзида сўралади. Шу орқали мавзуга доир янги сўзлар дарснинг ўзидаёқ ёд олинади. Бундан ташқари тарқатма материаллардан ҳам кенг фойдаланилар экан.

Жомбой тумани Жонхўроз қишлоғидаги 28-ўрта умумтаълим мактабида инглиз тили фани ўқитилиш жараёнини кузатганимизда, юқори синфларда хусусан 8-9 синфларда инглиз тили дарси янги методлардан қўллаган ҳолда олиб борилаётганининг гувоҳи бўлдик. Мактабда Бобоқулова Лола ўқув йилининг бошида инглиз тили ўқитувчиси бўлиб келаганига қарамай мактаб муҳитига киришиб кетишга ва ўзи ўрганган янги методлардан кенг фойдаланишни йўлга қўйишга улгурган. Унга кўра ўқувчилар парталарда доира шаклида ўтиришиб биттадан жумла айтиш орқали жамлаб эртак тузишар экан. Синфлар анъанавий тарзда икки гуруҳга ажратилиб дарс берилар экан, ўқитувчиларнинг ҳар бир ўқувчи билан аълоҳида ишлашга имкони кўпроқ бўлади. Ва бунда индивидуал суҳбат ўтказишга ҳам имкон беради.

Мактабда 2 йил давомида фаолият кўрсатаётган иккинчи ўқитувчи Эгамқулова Чарос дарсни кўргазмали қуроллардан фойдаланган ҳолда олиб боришни яхши йўлга қўйган бўлиб, карточкалар орқали янги сўзларни ўқувчиларга ёдлатар экан.

Самарқанд шаҳрининг баъзи мактаб ва коллежларида анъанавий ва инновацион методлардан фойдаланиш даражаларига доир статистик маълумотлар тўпладик.

	Мактаб номи, сони	Хорижий тил	дарс давомийлиги	Анъанавий методлар	Инновацион методлардан фойдаланиш
1	28-мактаб	Инглиз тили	45 минут	65 %	35%
2	15-мактаб	Инглиз тили	45 минут	55%	45%
3	48-мактаб	Инглиз тили	45 минут	25%	75%
4	51-мактаб	Инглиз тили	45 минут	20 %	80%
5	13-мактаб	Инглиз тили	45 минут	20%	80%
6	43-мактаб	Франсуз тили	45 минут	25%	75%

	Коллеж номи	Хорижий тил	дарс давомийлиги	Анъанавий методлар	Инновацион методлардан фойдаланиш
1	Енгил саноат	Инглиз тили	90 минут	40 %	60%
2	туризм	Инглиз тили	45 минут	75%	25%

Самарқан давлат Чет тиллари институти таржима назаиряси ва амалиёти йўналиши талабаларидан дарс дарс жараёнини олиб боришда қўлланиладиган метод ва дарс олиб бориш усуллари ҳақидаги баъзи курсларда олиб борилган кузатиш ишлари натижаларини қуйидагича изоҳлаш мумкин.

	Гуруҳ	Гуруҳларга бўлиниб ишлаш	Индивидуал сўров, савол/жавоб	Бахс мунозара	Амалий вазифалар бажариш
1	1 А ўзб	20%	10%	40%	30%
2	1 Б ўзб	60%	5%	15%	20%
3	1 В рус	5%	10%	85%	0%
4	2 А ўзб	65%	25%	10%	0%
5	2 Б рус	20%	35%	25%	20%
6	3 А ўзб	70%	5%	15%	10%
7	3 Б рус	5%	15%	70%	10%

Янги мавзунни ўзлаштириш анъанавий ва инновацион методлардан фойдаланиб ўргатилганда қандай даражада эканлигига доир статистика маълумотлари.

№	Гуруҳ	Анъанавий метод	Инновацион метод
1	2 А ўзб	75%	
2	2 Б рус		90 %

### ***3.3. Инглиз тилини ўқитишда замонавий инновацион методлардан фойдаланишда педагогик моҳаратнинг роли.***

Замонавий, илғор ўқитувчиларнинг таълим-тарбия соҳасида эришган умумпедагогик тажрибалари-қобилият ва маҳоратлари «Педагогик маҳорат» курсининг предмети ҳисобланади.

Мазкур қобилият, маҳоратнинг мазмун-моҳияти, таркибини система сифатида ўрганишда, олий ўқув юртларида касбий тайёргарликни амалга оширишда «Педагогик маҳорат» курсини ўрганиш катта илмий ва амалий аҳамият касб этади. «Педагогик маҳорат» курси ўқитувчилар, жумладан, бўлажак ўқитувчиларни таълим-тарбия ишларга илмий методик ва амалий жиҳатдан тайёрлашни ўз мақсад қилиб қўяди. Унинг асосий вазифалари: бўлажак тарбиячи, ўқитувчида педагогик ижодкорлик, топқирлик, педагогик

мулоқот, ўқитувчи нутқи, ўқувчига ҳар томонлама ижобий таъсир етиш усуллари, педагогик техника ҳамда тарбиячининг тарбиячилик маҳоратини шакллантиришдан иборатдир.

Амалий-семинар дарсларида эса, ўқитувчи нутқи ва фикрлаш маданияти, педагогик таъсирнинг ранг-баранг усуллари, тарбиячи ўқитувчининг ташкилотчилик маҳорати каби масалалар ўрганилади.

1. Амалий дарсларида диққат ва ҳаёлни тўплаш машқлари бажарилади. Лаборатория ва мустақил ишларда ажратилган соатларда педагогик вазиятлар ҳосил қилиниб, талабалар ҳамкорлигида эришилади. Бундай масала ёки педагогик вазиятлар ўқитувчининг ўқувчилар билан муомола қила билиш малакасини тарбиялашда хизмат қилади. «Педагогик маҳорат» курсининг амалий дарсларидан муаян қисми мактаблар ва коллежларда ўтказилиши мумкин ва улар назарий билимларни мустаҳкамлашни кўзда тутди. «Педагогик маҳорат» фанининг бошқа педагогик тизимдаги фанлардан асосий фарқи шундай, у ўқитувчи ва ўқувчи муносабатларида кенг ижодий имкониятлардан фойдаланиш учун битмас-туганмас ижодий фаолият учун майдон ҳисобланади.

2. Педагогик маҳорат тушунчаси. Республикамиз мустақилликка эришгач, унинг олдида жуда қисқа муддатда янгича фикрловчи, республика равнақи, тараққиёти учун онгли равишда курашувчи етук мутахассис кадрларни тайёрлаш вазифаси кўндаланг туради. Натижада «Таълим-тўғрисида», «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури», Қонунлари қабул қилинди. Етук мутахассис ва янгича фикрловчи шахсларни шакллантириш учун чуқур билимнинг ўзигина кифоя қилмаслиги Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовнинг «баркамол авлол- Ўзбекистон келажакининг пойдевори» нутқида қуйидагича ўз ифодасини топди. «Бизга мактабни битирганлар емас, мактаб тарбиясини кўрганлар керак». Бу билан президент билимлар йиғиндисини эгаллашга емас, балки уларни эгаллаб, турли касб-хунарлар сири, маҳоратини ўзлаштиришга хизмат қилувчи билимларни ўрганиш лозимлигини кўрсатиб берди. Савол туғилади: Педагогик маҳорат

нима ўзи? Педагогик маҳорат бу-фаҳм-фаросат ва билимларнинг, чинаккам илмий, тарбиядаги қийинчиликларни енгишга қодир бўлган обрўли раҳбарликнинг, ўқувчилар қалбининг қандайлигини ҳис қилиш маҳорати, ички дунёси, нозик ва заиф бўлган бола шахсига моҳирона, аввайлаб ёндашиш, донолик ва ижодий дадиллик, илмий таҳлил, хаёл ва фантазияга бой бўлган қобилият мажмуасидир.

3. Педагогик маҳоратнинг тузилиши. Педагогик маҳорат қуйидаги таркибий қисмларни ўз ичига олади.

Ўқитувчи фаолиятида инсонпарварликнинг устунлиги;

Педагогик истеъдод, қобилият

Педагогик техника (санъат)

Педагогик шахсий интилиши.

1. Педагогик маҳорат назарияси ва методикасининг ишлаб чиқилмаганлиги шунга олиб келадикки, педагогларнинг ҳар бири ўзича пайпаслаб ижодий изланиш олиб боради: болалар билан, педколлектив билан қандай қилиб яқиндан тил топишиш мумкин? Қандай қилиб қисқа муддат ишида болалар ўртасидаги муносабатларнинг ҳаққоний манзарасига эришмоқ мумкин? деган саволларга жавоб излайди.

Бу саволларга бериладиган жавоблар ҳар бир моҳир педагогнинг ишида зарур бўлган умумий педагогик малакаларни шакллантириш билан боғлиқ бўлиб, мазкур муаммони ҳал қилиш педагогдан одатдан ташқари куч-ғайратни, қатъиятни тиришқоқликни, ижодийликни, ўз фаолиятни тўғри баҳолай билиш, шунингдек, болалар, тарбияланувчиларга нисбатан инсонпарварона муносабатда бўла олишни талаб этади. Ибн Сино «Тадбири манзил» асарида бола учун ўқитувчи танлаётганда унинг тўғри сўз, ҳалол тоза-озода ва болаларни сезувчи киши бўлишига эътибор беришни таъкидлаганида ўқитувчининг инсонпарварлик сифатини назарда тутган эди.

2. Ҳар бир инсонда у ёки касбда қобилият мавжуд бўлади. Баъзи таниқли руҳшуносларнинг фикрича (Ф. Гоноболин, Н. Кузмина), педагоглик касби учун қуйидаги 6 хил қобилиятлар муҳим ҳисобланади;

Ўртага туша билиш

Ташкилотчилик

Ўзини идора эта билаш

Мўлжал, чамалай билиш

Кучлилик, зеҳнлилик

Фаолиятга ижобий томондан ёндашиш

Буларнинг барчаси тарбиявий мақсад мавжуд бўлган, инсонпарварлик нуқтаи назаридан туриб ёндашилган тақдирдагина педагогик қобилият таркибига кириши мумкин.

3. Педагогик техника-педагогик маҳоратнинг асосий қисмлардан бири ҳисобланиб, у ўқитувчидан ўқувчилар билан муомала қилганда зарур сўз, гап оҳанги, қараш, имо-ишорани тез ва аниқ топиш, энг ўткир ва кутилмаган педагогик вазиятларда осойишталикни ва аниқ фикр юритиш, таҳлил қилиш қобилиятини сақлаб қолиш имконини беради. Ҳақиқий педагогик таъсир кўрсатишда ўқитувчининг педагогик техника соҳасидаги барча малакалари бир пайтда яққол кўринади. Нутқ имо-ишора, мимика, ҳаракат билан бирга содир бўлади.

Педагогик техника педагогнинг индивидуал психик-физиологик хусусиятлари асосида таркиб топади. Индивидуал педагогик техника педагогнинг жинси, ёши, мижози, феъл-атвори, анатомик-психологик хусусиятларига ҳам боғлиқ бўлади.

Педагогик техника малакаларининг шаклланиш даражаси маълум даражада педагогнинг умумий тайёргарлик даражасини, яъни шахснинг педагогик имкониятларини акс эттиради. Педагогнинг нутқи тартибсиз, қашшоқ бўлса, ўзи жиззаки бўлса, диди паст, маданияциз бўлса, энг топиб гапирган тўғри сўзи ҳам тарбияланувчиларга таъсир этмайди, балки тескари натижага олиб келиши мумкин.

Шунинг учун ҳам, тарбиячи аввало ўзи тарбияланган, жамиятда ўтириб-туриш, суҳбатлашиш маданиятини қон-қонига сингдирган бўлиши лозим.

Ҳар йигитнинг аслин билай десангиз

Маракада ўтириб-туришин кўринг (Махтумқули)

4. Ўқитувчининг шахсий интилиши, муносабати педагогик маҳорат таркибий қисмлари орасида муҳим ўринни эгаллайди. Унинг бундай шахсий муносабати унда тегишли бир қолипдаги фикрлар системаси мавжудлиги билан изоҳланади, шу туфайли у кўп ҳолларда деярли автоматик тавишда таъсирларга жавоб бера олади. Чунончи, ўқувчилар билан албатта хушмуоммалада бўлиш, дилкашлик ўқувчи шахсига принципиал ёндашишнинг юқори даражада бўлиши, ўзининг бирорта ҳам ўқувчиси ёмон бўлиши, бунинг устига ишончсиз бўлиши мумкин эмаслигига ишонч кабилар.

Лекин бундай бир қолипдаги фикрлар салбий рол ўйнаши ҳам мумкин. Масалан ҳамкасби ўқувчилар билан ҳақиқатда назоратсиз муносабатда бўлганда унга қарши туриш ўрнига, уни химоя қила бошлайди. Ўқитувчининг ҳоҳиш истаги ҳаққонийлик ва инсонпарварлик характерида бўлсагина бундай чекинишларга йўл қўймаслиги мумкин бўлади.

Педагогик фаолият ва маҳорати. Педагогик фаолият-ёшларни ҳаётга, меҳнатга, Ватан мудофасига тайёрлаш учун халқ олдида, давлат ва жамият олдида жавоб берадиган болаларга таълим-тарбия бериш иши билан шуғулланадиган ва бу ишга махсус тайёрланган кишиларнинг меҳнат фаолиятидир.

Мактаб ўқитувчиларнинг фаолияти Республикамизда буюк давлат-жамиятни қурувчи ва унда яшаб меҳнат қилувчи етук, эркин фикрловчи инсон шахсини шакллантиришга қаратилган. Ўқитувчининг баркамол авлодни тарбиялаш ва унда янги инсонга хос сифатларни таркиб топтириш вазифаси энг олийжаноб, юксак ва шу билан бирга энг шарафли ва мураккаб вазифадир. Ҳар бир тарбияланувчи ўз хулқ-атвориغا, характериға эга. Уларни ўқитиш ва тарбиялашда уларнинг ана шу ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиш, ўрганиш ниҳоятда мураккабдир. Бунга инсонлар ўртасида ижтимоий муносабатларнинг мураккаблигини ўзида акс эттирувчи махсус

усуллардан фойдаланилади. Педагогик фаолиятда тайёргарлик кўрсатган ёшлар унинг ана шундай хусусиятларини билишлари лозим.

Ўқитувчилик ихтисоснинг бу хусусиятлари унинг профессиограммасида ўз ифодасини топади. 1) Ўқитувчининг шахсий хусусиятлари; 2) Ўқитувчининг педагогик-психологик тайёргарлигига кўйиладиган талаблар; 3) Махсус тайёргарликнинг ҳажми ва таркиби; 4) Ихтисосга оид методик тайёргарлик мазмуни.

Халқнинг маънавий руҳини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш – Ўзбекистонда давлат ва жамиятнинг энг муҳим вазифасидир. Маънавият шундай қимматбаҳо меваки, у бизнинг қадимий ва навқирон халқимиз қалбида бутун Инсониятнинг улкан оиласида ўз мустақиллигини тушуниб этиш ва озодликни севиш туйғуси билан биргаликда этилган. Жамият маънавиятини юксалтириш – давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади.

Мазкур таълим технологияси “Баркамол авлод йили” давлат дастури ва Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримовнинг “Юксак маънавият-енгилмас куч”, «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» номли асарларида ва “Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш – устувор мақсадимиздир”: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузаси, «Асосий вазифамиз – Ватанамиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир»: 2009 йилнинг асосий якунлари ва 2010 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасида келтирилган материаллар, қоидалар ва хулосалар асосида тузилган.

Республикамиз мустақилликга эришгач педагогик маҳорат фанини ривожлантириш учун бир қанча янги асослар юзага келди. Жумладан “Таълим тўғрисидаги қонун”, «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» нинг

яратилиши таълимни тубдан ислоҳ қилиш, уни ўтмишдан қолган мафкуравий карашлар ва сарқитлардан тўла ҳалос этиш, ривожланган демократик давлатлар даражасида, юксак маънавий ва ахлоқий талабларга жавоб берувчи юқори малакали кадрлар тайёрлаш имкониятини берди.

Замонавий иқтисодиёт, фан, техника ва технологияларни ривожлантириш асосида кадрлар тайёрлашнинг такомиллашган тизимини яратиш мамлакатни тараққий эттиришнинг энг муҳим шарти ҳисобланади. Тизимнинг амал қилиши кадрларнинг истиқболга мўлжалланган вазифаларни ҳисобга олиш ва ҳал этиш қобилиятига, юксак умумий ва касбий маданиятига ижодий ва ижтимоий фаолликка, ижтимоий-сиёсий ҳаётда мустақил равишда йўналиш ола билиш маҳоратига эга бўлган янги авлодни шакллантиришни таъминлайди.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти И.А.Каримов миллий истиқлол мафкурасини шакллантириш ишининг ҳаётий зарурати ва долзарблиги ҳақида гапирар эканлар, «Инсон шахсини, унинг юксак маънавий фазилатларини камол топтириш, миллий истиқлол мафкурасини шакллантириш, ёш авлодни бой маданий меросимиз ҳамда тарихий қадриятларимизга ҳурмат-эътибор, мустақил Ватанимизга меҳр-муҳаббат руҳида тарбиялаш талаблари олдимизга муҳим вазифаларни қўймоқда» деб алоҳида таъкидлайдилар. Бу вазифалар, биринчи навбатда келажакнинг бунёдкорлари бўлмиш ёш авлоднинг билим олиш, юқори малакали кадрлар бўлиб ўз юрти ва ҳалкига ситқидилдан меҳнат қилиш, озод юрт равнақи ва бахт-саодати учун ҳалол меҳнат қилишга ўргатишни назарда тутди. Зеро, мустақиллик айнан фидоий, ўз Ватани манфаатларига ғоят садоқатли, юқори малакали кадрларнинг жамиятни бошқаришини тақозо этади.

Замонавий кадрлар олдига қўйилаётган энг муҳим вазифалардан бири - малакали мутахассислар сифатида ўзлигини, ўз қобилиятлари, индивидуаллиги, шахсий фазилат ҳамда хислатларини билган тарзда атрофидагилар меҳнатини оқилона ташкил этиш ва ижтимоий фойдали меҳнатнинг барча соҳаларида иқтидорли касб соҳиби сифатида фаолият

кўрсатишдир. Бу ўринда инсон ҳар томонлама етук шахс қилиб тарбиялаш қонунлари ва қонуниятларини ўрганувчи педагогик маҳорат фанининг ўрни ва роли бениҳоя каттадир. Ёш авлодни янги таълим стандартлари асосида, жаҳон талабларига жавоб берувчи мутахассислар қилиб тарбиялаш иши олий ўқув юртиларида таҳсил олаётган ёшлар учун янги дарсликлар, ўқув қўлланмалари, рисолалар тайёрлашнинг ҳам янги услубларини талаб этмоқда. Ушбу ўқув қўлланма ёшларга айнан психологик билимлар асосларини берса-да, умид қиламизки, уларни ўз атрофида рўй бераётган ислохотларга ҳолис баҳо бериш, ўзи ва ўзгалар руҳияти сир-асрорларини бефарқ бўлмастик, ўз лаёқатларини ўстиришнинг элементар воситаларидан боҳабар бўлишга ёрдам беради. Чунки шахсгина ўз қобилияти, иқтидори, лаёқати, тафаккури, диққати, характери хусусиятларини билиб, уни тўғри йўналтира олса, бу нафақат шахснинг ўзига, балки жамият учун ҳам катта наф келтиради. Шундай экан, ҳозирги кунда психология фани сир-асрорларини ҳар бир ўқувчи учун зарур бўлган жиҳатларини, чунончи: психологиянинг бошқа фанлар билан интеграциялашуви, ҳамкорлиги, боғлиқлигини; психологиянинг замонавий йўналишлари ва тармоқларини; шахсни психологик диагностика қилиш усулларини; шахс ва жамият муносабатларини уйғунлигини; шахс фаолияти ва ҳатти-ҳаракати мотивларини; фаолияти турларини; шахсда кузатиладиган психик жараёнлар: сезги, идрок, диққат, хотира, тафаккур, ҳаёлни билиш ва уларни бошқариш қонуниятларини қўллай олишни; шахсдаги қобилият, характер ва темперамент каби индивидуал психологик хусусиятларнинг шахс фаолияти ва ҳаётидаги тутган ўрнини; шахснинг турли ёш даврларга боғлиқ хусусиятларини; шахснинг мулоқот жараёнидаги шакл, тур, воситаларини; шахснинг гуруҳга ва ўз навбатида гуруҳнинг шахсга таъсирини; ўқув ва тарбия жараёнида қўллаш мумкин бўлган самарали усулларни билиш, ўрганиш муҳимдир.

«Педагогик маҳорат» фанининг вазифаси шундаки, олий ўқув юртида ўқитиладиган фанларни тўлиқ эгаллаш талаба мақсадига айланиши керак.

Бунинг учун талаба ҳар бир фанни тўлиқ ўзлаштириши, ўз устида доимо ишлашни билиши лозим. Бўлажак мутахассис замон билан яшаши, келажакни кўриши керак. Жамиятнинг мақсад ва вазифаларни аниқ бажаришида ижодий ёндашиш қобилиятига эга бўлиши лозим. Ушбу фанни ўқитишдан мақсад – “Педагогик маҳорат” фанини ўқитиш асосида бўлажак педагогларни мутахассислик бўйича билимларни кенгайтириш, уларнинг касбига бўлган қизиқишларини янада чуқурлаштириш, баркамол шахс қилиб тарбиялашдан иборатдир.

Янгилик киритишлар техник ёки буюм ҳолида ҳам, ўз таъсири бўйича жамият ривожланиши учун муҳир аҳарият касб этадиган ижтимоий турда ҳам бўлади. Инновациялар техникдан кўра кўпроқ ижтимоий ёки иқтисодий тушунчага яқинроқ ҳисобланади. XX асрда ишлаб чиқарувшининг ҳаёлига ажойиб ғоя келиши ҳисобигагина эмас, балки бир тизимга келтирилган, мақсадли йўналтирилган фаолият натижасида янгилик яратиш ва уни истеъмол қилинадиган маҳсулотга (хизматга) жорий қилиш мумкин. «Материал»ни ресурсга айлантириш ёки мавжуд ресурсларни янги, маҳсулдор шаклга киритиш учун маълум бир жараён - инсон фаолиятининг ўзига хос - инновацион асосини ташкил қиладиган инновацион жараён зарур

Амалиётда инновацияларнинг иккала манбалари аралашуви рўй ҳсради. Инновацион ғоялар манбалари П. Ф. Друкер томонидан батафсил ўрганиб чиқилган. Инновацион ғояларнинг етти та манбаси ажратиб кўрсатилади. Дастлабки тўрт манба корхона (ишлаб чиқариш ёки ноишлаб чиқариш) доирасида, саноат тармоғи ёки хизматлар соҳаси доирасидаги нлики манбалар ҳисобланади. Моҳиятига кўра, улар ушбу корхонада ишлаётган шахслар учун кўзга кўринадиган белгилар ҳисобланади.

Янги ғоя излаб топишнинг асосий усуллари қаторига қуйидагиларни киритиш мумкин:

- синов ва хатолар усули;
- назорат саволлари усули;
- ақлий ҳужум;

- морфологиктаҳлил;
- синектика;
- етти карра излаш стратегияси;
- ихтирочилик масалаларини ҳал қилиш усули.

Янги, айниқса, илмий билимлар энг ишончли ва олдиндан айтиш мумкин бўлган манба ҳисобланади деган умумэтироф этилган фикрга ҳилоф равишда, П. Друкер бу манбанинг ишончилиги ва олдиндан айтиш мумкинлиги даражаси пастроқ деган нуқтаи назарни асослайди. [15: 25 б.]

Буюк мутафаккир **Муҳаммад ал-Хоразмий** “**Ал-жабр вал муқобала**” номли асарида педагоглар фаолиятига баҳо бериб қуйидагиларни ёзган эди: *“Улардан бири ўзидан аввалгилар қилган ишларни амалга оширишда бошқалардан ўзиб кетади ва ўзидан аввалгиларнинг асарларини шарҳлайди, табиат сирларини очади, йўлни ёритади ва уни тушунарлироқ қилади. Ёки бу айрим китобларда нуқсонлар топадиган ва сочилиб ётганини тўплайдиган одам бўлиб, у ўзидан аввалгилар ҳақида яхши фикрда бўлади, такаббурлик қилмайди ва ўзи қилган ишдан мағрурланмайди”*. Бу билан олим педагогнинг қийин муаммоларни осон қилиб тушинтира олиш, ижодкорлик каби маҳоратларини қўллаб-қувватлайди.

Беруний ўқитиш жараёнида куруқ ёдлашни қоралайди. У “*Тушуниш ёдлашдан яхшироқ ва афзалдир*”... “*Кузатишнинг кўплиги нарсаларни эслаб қолиш қобилиятини яратади*”, деб уқтиради. У ўзининг “*Осор ал-боқия*” асарида “*Бутун кучимни йигиб, бор имкониятни ишга солиб, гоҳ эшитиш, гоҳ кўриш ва қиёс қилиш орқали, билимим етганича у нарсани баён этишга бел боғладим*”, деб ёзар экан, ҳар бир педагогнинг ҳам ана шундай сифатларга эга бўлишини орзу қилади.

**Бурхониддин Зарнуджий** (1150 й) “**Ўқувчига таълим йўлида қўлланма**” асарида билимларни тез ва пухта ўзлаштириш услубларини ишлаб чиқди, унингча: “*Ўрганувчилар зиммасида барча фанлар орасидан энг муҳимларини танлаш вазифаси туради. ... Билимларга бўлган*

*қизиқиш шуни талаб этадики, у ўқитувчисига ва ўрганаётган фанига, китобига нисбатан тўла қаноатли бўлсин, токи муваффақиясизликни ўзидан йироқлаштириш, билимнинг махсус бўлимига нисбатан ҳам шундай иш тутмоқ керак.*

Ўқиш техникасини шакллантириш — узоқ давом этадиган жараён бўлиб, у сифат жihatдан фарқ қиладиган катор босқичларга бўлинади. Бу босқичлар товушни талаффуз қилишдан тортиб, матнни товуш чиқариб ўқишгача бўлган босқичларни ўз ичига олади. Бу босқичларни хар бир ўзига хос хусусиятлари ва уларни эгаллаш усуллари билан фарқ қилади.

Ўқиш жараёни боришини тасвирлаганда психологлар матнни тушуниш босқичларини ажратадилар. Масалан, А. Н. Соколов тажрибаларининг натижаларига кўра, гапни тушуниш учта босқичдан ўтади: биринчи босқич - бутун гапнинг мазмуни ҳақида ўқувчи, талабада юзаки тасаввур ҳрсил бўлади. Бу биринчи синтез деб аталади. Тушунишнинг иккинчи босқичи — аналитик босқич бўлиб, бу босқич ички ва ташқи нутқда тўла талаффуз қилиб айтиш билан боғлиқдир. Охирги, учинчи босқич жумла(гап)ни тўла тушунадиган босқич ҳисобланади. [73:161]

Ўқитувчининг шахсий интилиши, муносабати педагогик маҳорат таркибий қисмлари орасида муҳим ўринни эгаллайди. Унинг бундай шахсий муносабати унда тегишли **бир қолипдаги фикрлар системаси** мавжудлиги билан изоҳланади, шу туфайли у кўп ҳолларда деярли автоматик равишда таъсирларга жавоб бера олади. Чунончи, ўқувчилар билан албатта **хушмуомалада** бўлиш, **дилкашлик** ўқувчи шахсига **принципиал ёндашишнинг юқори даражада** бўлиши, ўзининг бирорта ҳам ўқувчиси **ёмон эмаслиги**, бунинг устига **ишончсиз** бўлиши мумкин эмаслигига ишонч кабилар.

Ҳозирги кунда таълим жараёнида инновацион технологиялар ва интерактив методларни қўллаш тобора кенг тус олмоқда. Бундай методларни қўллаш таълим самарадорлигини ва таъсирчанлигини оширади.

«Инновация» инглизча инновацион янгилик яратиш, янгилик маъноларини англатади.

Республикаимиз олимларининг «Инновация» тушунчасига берган таърифидан хилма-хиллик чет эл олимларининг тадқиқотларида ҳам кўзга яққол ташланади. Мазкур таърифларнинг қиёсий таҳлили асосида тушунчанинг қуйидаги жиҳатларини ажратиб кўрсатиш мумкин:

- 1) Инновация – бу янгилик (А.М.Саранов, Е.М.Роджерс);
- 2) Инновация – бу ўзгартириш, яхшилаш, такомиллаштириш демакдир (К.Аниловски);
- 3) Инновация – бу янги восита, янгим метод, янги технология (В.А.Сластенин, В.И.Подимова);
- 4) Инновация – бу ўзида таракқийпарвар асосни акс эттирувчи таркибий қисмлар мажмуи (В.И.Загвязинский);
- 5) Инновация – бу янги методларни ва таълимнинг янги мазмундаги методларни ишлаб чиқишдир (П.Г.Шедровеский)

(Еллис Артур, Фоуц Джеффри. Педагогические инновации / Пер.с.анг. А.И.Другова. – М.: ИТП, МНО, 1993.) (13.64) – деб таърифланган.

«Инновация» - бу маълум бир босқич асосида ривожланадиган жараёндир. У бир нечта маънодаги тушунчаларни беради:

1. Инновация – бу таълимнинг янги мазмуни, шакл ва методларини ишлаб чиқиш.
2. Яратилган педагогик тизимни жорий эти шва оммалаштириш – деб изоҳлайди тадқиқотчи Зуфаров Ш. (Таълимда инновацион жараёнларни тизимли бошқаруви: Назария, таҳлил, тасниф/ Т.2010 йил. 6-бет) (32.6).

Бироқ шуни таъкидлаб ўтиш жоизки «Инновация» тушунчаси билан биогаликда «янгилик» тушунчаси ҳам қўлланилади.

Ҳозирги кундаги инновацион таълим тизимида кенг тарқалган технологияларнинг асосий тури сифатида қуйидагиларни ажрацак бўлади:

- аудио ва видео кассеталар, дисклар;
- телефон;

- радио ва телевидение;
- электрон почта;
- компьютер ўргатиш программалари;
- интернет;
- телеконференция (аудио-конференциялар, турли график, видео-конференциялар, компьютер конференциялари).

Дарсларни нечоғли қизиқарли, фойдали ва самарали ташкил этиш ўқитувчиларнинг ижодкорлиги, ташаббускорлигига боғлиқ. Бунинг учун:

1. Ўқитувчи фақат ўқитибгина қолмай, ўқувчини мустақил мутола қилиш орқали таълим олиш кўникмаларини шакллантириш;

2. Ўқувчиларни дарслик, қўлланма, интернет хабарлари, манбаларни таҳлил қилиш орқали билим олишга ўргатиши;

3. Ўқувчи таълим жараёнида ешитиб, кўрибгина қолмай, балки дарс мавзуси, мазмунини ўрганишда уни фаол иштирокчисига айланишини таъминлаш зарур.

4. Агар ўқувчи интерфаол таълим мазмунини ва моҳиятини. Унинг методларини ўқиб-ўрганиб, ўзлаштириб, ўз педагогик фаолиятига жорий қила олса, такомиллашган Давлат таълим стандартларини ва модернизасия қилинган ўқув дастурларини тўла ўзлаштирилшини кафолатлайди, сифат ва самарадорликка эришишни таъминлайди.

5. Ўтказилган тажриба-синов натижалари шуни кўрсатадики, агар дарслар сўз, тушунтириш орқали олиб борилса, ўзлаштириш 10%, кўрсатиш, намоёнишлар орқали ташкил этилса 50%, таълим жараёни ўқувчининг шахсий иштироки, фаоллигида кечса, ўзлаштириш сифати ва самарадорлиги 90%ни ташкил этади.

Китоблар ва ўқув адабиётлари билан ишлаш кўникма ва малакаларини шакллантириш мустақил таълим олишнинг асосий кўриниши ҳисобланади. Ўқув адабиётлари билан ишлашни барча таълим олувчилар яхши ўзлаштирган бўлишлари лозим. Ўқув адабиётлари деганда, дарсликлар, ўқув

қўлланмалар, техник адабиётлар, маълумотлар, йўриқномалар ва х.к. тушуниш мумкин.

Дарслик-талабаларга чуқурроқ билим олиш ва материални ёки унинг қисмларини мустаҳкамлаш учун ушбу материални такрорлаш имконини беради.

Ҳақиқатдан ҳам дарс жараёнида дарслик бўйича материални мустақил равишда ўрганиш бўйича топшириқлар вақти - вақти билан бўлиб турса, талабаларда китоб билан ишлаш маҳорати ва кўникмаларини ривожлантиради. Мавзу бўйича янги сўзлар ва терминлар тузишни, дарслик бўйича алоҳида мавзунини ўрганишни, дарслик матни бўйича режа, тезислар тузишни, дарслик матнидан фойдаланиб масалалар тузишни, дарсликда кўрсатиб ўтилган тажрибаларни бажаришни билиши керак. Эгалланган маҳорат ва кўникмаларни дарсликлар билан ва бошқа турдаги ўқув адабиётлари билан дарс мобайнида, дарсдан ташқари машғулотларда ўқув фаолиятларини ташкил этиш усуллари билангина такомиллаштириш мумкин. Талабалар ўқув адабиётлари билан ишлаш жараёнида уларда мустақил ишлаш қобилиятлари ўсиб боради. Талабалар мустақил ишлаш маҳорати ва кўникмаларини эгаллаб борган сари топшириқлар мазмуни мураккаблашиб боради.

Талабалар томонидан режа тузиш, тезислар ёзиш, маърузалар қайд қилиш каби кўникмалар эгалланган бўлсада, аниқ фанларни ўрганиш жараёнида ўқитувчи томонидан режа тузиш, тезис ёзиш ҳақида тушунча бериши, уларнинг фарқини кўрсатиб бериши, ўзаро боғлиқлигини тушунтириб ўтиши керак.

Талабаларга ўқув адабиётларидан конспект ёзиб бориш мураккаб усуллардан бири эканлигини ва буни бажариш учун аввало режа, тезисларни тузиш кўникмаларини яхши ўзлаштирган бўлишлари лозимлигини тушунтиришлари лозим. Бунинг учун аввал бутун матнни ўқиб бериш, шундан кейин, унинг мантиқий яқунланган қисмларига ажратиш ва ҳар бирига сарлавҳа бериш керак. Режанинг ҳар бир саволини ўрганилаётган

материалнинг асосий қоидалари билан қисқача асослаб бериш керак. Конспект тузиш мисоллар билан тўлдириш мақсадга мувофиқдир.

Дарсликдан конспект ёзиш усуллари дафтарга ёзиб борилади. Машғулотлар мобайнида талабаларга материалнинг бир қисмини мустақил равишда дарсликдан ўрганиш таклиф этилади. Бунинг учун уларга маълум вақт ажратилади ва ўқиганлари асосида конспект тузиш топширилади. Бундай топшириқ ўқитувчига талабалар режа, тезис, конспект тузишнинг назарий асосларини амалда қандай қўллашларини аниқлашга имкон беради. Китоб билан мустақил ишларни бажариш бўйича машқларга кўпроқ вақт ажратиш зарур. Китоб билан мустақил ишлаш жуда самарали усули фақат хотирани эмас, балки ўқувчиларнинг мантикий фикрлашларини ҳам ривожлантирувчи ўрганилаётган топшириқларни бажариш ҳисобланади. Талабаларнинг ўрганилаётган ҳодисаларни таққослаш усулларига ўргатиш – умумдидактик вазифа ҳисобланади. У ҳар бир ўқитувчи томонидан ўқитилаётган фан мазмунига қараб турлича кўринишда бўлади.

Техник адабиётларни ўқишга бир қатор талаблар қўйилади. Бу энг аввало материални режали ўқишдир. Мустақил ўқишда кетма – кетликка, бир китобни ўқишдан иккинчи китобни ўқишга ўтишда ўзаро боғлиқлик, кизиқтирадиган мавзуси бўйича билимлар тизими асосида режага эга бўлиши керак. Бир мавзудан бошқасига ўтиб керакли мақсадга эришиш учун, талаба томонидан маълум кетма – кетликда ўқишга қарор қилинган китоблар ва мақолалар рўйхатига эга бўлиши мақсадга мувофиқдир. Кутубхоналарда маълум соҳаларга оид адабиётлар рўйхати мавжуд бўлади. Китобхон кутубхона каталоглари ва китобдан фойдаланиш ҳақидаги қўлланмалар асосида ўзининг шахсий режасини тузиб олиши лозим. Бундай режани тузишга махсус фан ўқитувчилари, кутубхоначилар ёрдам беришлари мумкин.

Техник адабиётни ўрганишнинг муҳим талаби материални ўрганиш кетма – кетлигига эътибор бериш ҳисобланади. Айрим талабалар диққатни бир жойга жамлаб ололмайдилар. Улар китобга қараб ўтириш мобайнида

фикрлари бошқа нарсаларда бўлади. Бу китоб мазмунини тушунишда кийинчиликлар туғдиради. Айнан ўша саҳифаларни қайта ўқиб чиқиш зарурати туғилади. Кўпчилик талабалар вақтдан ютиш мақсадида матнни ўқиш давомида айрим сўзларни, ибораларни ташлаб кетишади. Бу сабаблар ҳам материални тўлиқ ўзлаштиришга салбий таъсир кўрсатади. Шунинг учун матн ўқиш давомида маълум қисмида тўхталиш қилиб юқорида ўқилган материал юзасидан хулосалар чиқариш, саволлар қўйиш ёки оғзаки тушунганини такрорлаш самарали натижа беради. Ўқиш давомида тушунмаган сўзлар ва саволлар ёзиб олинishi ва луғатлар қўлланмалар, мутахассислар ёрдамида аниқлаб олиш талаб қилинади.

Техник адабиётларни ўқишда мажбурий шарт ўқишни такрорлаш ҳисобланади. Китобни биринчи маротаба тўлиқ ўқиб чиқилса, такрор ўқишда яхши тушунмаган саволларга эътибор қаратилади. Китобни қанчалик диққат билан ўқиманг барибир баъзан жуда муҳим фикрлар, мисолларга етарли эътибор берилмай қолиши мумкин. Китобни такрорий ўқиб чиқиш китобдаги асосий фикрлар ва муҳим далиллар асосида тушуниб олишга ёрдам беради.

Бобга хулоса сифатида Ўқиганларига ижодий, танқидий муносабатда бўлишга ўрганиш, мустақил ўқиш жараёнида олган билимларини ўзининг амалий фаолиятида қўллашга ҳаракат қилиш жуда муҳимдир деб айтиш мумкин. Айниқса бўлажак касб таълими бакалавр ўқитувчилари учун касбий фанларни ўқитиш жараёнида ўқув қўлланмалари билан ишлашни такомиллаштириш керак. Бунда талабаларни янги ўқув материални идрок қилишга яхши тайёрлаш учун уларга қўлланманинг маълум бўлимини ўқиш вазифа қилиб берилади. Шунингдек, талабаларга қўлланма бўйича меҳнат объектлари билан танишиш ва уларни тайёрлаш билан боғлиқ бўлган технологик жараёнлар тартибини ўйлаб кўришни ҳам топшириш мумкин.

Демакки, ҳар бир ўқитувчи ўз ўқувчисини дарс жараёнида фаоллаштира олса, болаларнинг ўқиш, ўзлаштириш, билим, кўникма, малакаларни эгаллаш даражаси юқори кўрсаткичларни ташкил этади.

## ХУЛОСА

Диссертациямизнинг мавзуни тадқиқ қилиш жарараёнида шу хулосага келдикки, хорижий тиллар хусусан ингиз тили дунё тилига айланган. Шу туфайли инглиз тилини ўрганишга бизнинг мамлакатимизда ҳам катта эътибор берилмоқда. Албатта ингилз тили мамлакатимиз миқёсида бугунги кунгача ҳам ўргатилиб келинган. Аммо Президентимиз И.А.Каримовнинг 2012-йил 10-декабр қарорига кўра инглиз тилини ўрганишни мамлакатизнинг барча таълим муассасаларида янада такомиллаштириш мақсадида аълоҳида иш олиб бориш кўзда тутилган ва биз ишимиз давомида қарор билан яқиндан танишиб чиқдик.

Педагогик техника – ўқитувчига ўқув ва ўқишдан ташқари фаолиятда зарур бўлган умумий педагогик малакалар мажмуидан ташкил топади.

Педагогик тахниканинг таркибий қисмлари: нутқ маданияти, мимик пантомима, ўқитувчининг ҳиссий ҳолати, саводли гапириш, ўз нутқини чиройли ва тушунарли, таъсирчан қилиб баён етиш, ўз фикр ва ҳис-туйғуларини сўзда аниқ ифодалаш, аниқ имо-ишора, маъноли қараш, рағбатлантирувчи ёки илиқ табассум, жиддийлик даражаси умидбахш, хайрихоҳлик кайфиятини сақлаш ҳақидаги малакаларни таъминловчи умумий хусусиятлари. Ўқитувчининг ўзини тутиши. Талабалар билан ҳамкорлиги.

Президентимиз И.А.Каримовнинг 2012 йил 10-декабр қарорига биноан чет тилини ўқитишни янада такомиллаштириш тўғрисидаги қарорига биноан чет тилини ўргашниш ва ўргатишда қуйидагиларга эътибор бериш лозим деб ҳисоблаймиз.

А) хорижий тилларни ўрганишда янги педагогик технологиялардан фойдаланишни кенгайтириш лозим.

Б) Чет тилини ўрганишда ахборот технологияларидан кенгрок фойдаланишни тарғиб қилиш.

В) талабалар ва ўқувчиларнинг чет тилидаги сўзлашув нутқини ўстириш учун аудиовизуал манбаларни яратишни кенгайтириш

Г) Дарсларда ўқувчи талабаларни фаоллигини ошириш ва дарслар давомида ўқитувчига қараганда фаоллигини ошириш.

Д) Дарслар давоми инглиз тилида кўпроқ дибатлар уйиштириш.

Дарслик билан мустақил ишлашни ҳаддан ташқари кўп ҳажмда уйга вазифа сифатида талабаларга юклатилса, ортиқча зўриқишга олиб келади. Бу талабаларда фанга бўлган қизиқишни камайтиради. Шунинг учун дарсликлар билан ишлаш ва бошқа ўқув адабиётлари билан таништириш мустақил ишлаш маҳоратини ва кўникмаларини талабаларда шакллантириш ишларини ўқитувчи томонидан ўқитишнинг ҳамма босқичларида: яъни янги мавзуни тушунтиришда, билимларни ошириш ва мустаҳкамлашда ва уй топшириқларини текширишда олиб бориш керак. Касб таълими йўналиши бакалавр ўқитувчилари таълим олиш жараёнида қуйидаги мустақил ишлаш кўникмаларини эгаллашлари лозим: матнларда, расм ва кўргазмали курулларда, жадвал ва хариталарда асосийсини ажратиб олишни; маълумотларни ўзлаштиришда мантиқий алоқадорлик ва боғлиқликларни аниқлашни; ўрганилаётган ҳодисаларни таққослашни, дарсликларнинг бир ёки бир неча қисмлари бўйича умумлаштириш ва хулоса чиқаришни билишлари керак.

Чет тили хусусан инглиз тилини ўрганиш жараёнидаги тинглаб тушунишга ўргатиш деганда эшитилган товушни фонетик, лексик, грамматик в семантик жихатдан идрок қилии<sup>1</sup>, фахмлаш кузда тутилади. Демак, эшитилган нутқ мазмунини туғри тушуниш учун ўқувчиларда фонетик, лексик, грамматик малакалар шаклланган бўлишлиги талаб қилинади. Нутқни тинглаб тушунишга, яъни идрок этишга ўргатиш ўз навбатида ўқувчининг эшитиш қобилиятин такомиллаштирувчи, хотира ва диққатини ривожлантирувчи, товуш оҳанглариини фарқдашга, лексик бирликлар маъносини ва ўзаро бирикадигайи сузлар орасидаги грамматик боғлиқликларни ўзлаштиришга ўргатадиган жараёндир. Ўқувчи тинглаётган нутқни эшитиш, кўриш, хис қилиш, нутқ ҳаракат анализаторлари орқали қабул қилиб, уларни хотирасида сақланаётган стереотиплар (андозалар)

билан киёслайди. Ўхшаш фонетик, лексик, грамматик белгиларни фахмлаб, тегишли тушунчаларга эга бўлади. Бу жараёнда ўқувчи миясининг анализ-синтез қилиш фаолияти бошланиб, анализаторлар узатган сигналларни мантикий тушуна бошлайди. Оқибат натижада ўқувчининг тинглаб тушуниш фаолияти бошланади, маълум мавзуларга оид фикрларни тинглаб тушуниш кўникмалари шакллана бошлайди. Бу кўникмалар махсус бажартириладиган машқлар орқали малакаларга айлантирилади.

Ўқитувчининг педагогик техникаси – бу тарбияланувчиларни кўриб ва эшитиб туриш орқали уларга ўз фикри ва қалбини йетказиш, бевосита муомала қилиш, ўқитувчининг энг яхши ижодий хулқ-атвори, ҳар қандай педагогик вазиятда тарбияланувчиларга самарали таъсир кўрсатиш, ўзаро таъсир кўрсатиш, талабалар билан муомала қилишда зарур сўзни топиш ёки муваффақиятли чиқмаган гап оҳангини тушунтиришга ўз фикрини чалғитмаслик каби малакаларни эгаллаш.

Қисқача айтадиган бўлсак, социолингвистик вазиятларни тадқиқ қилиш кузатиш объектларининг конкретлилиги билан, кузатишлар, текширишлар, аниқликлар киритиш имкониятининг мавжудлиги ва турли экспериментлар ўтказиш имкониятининг мавжудлиги билан методологик аҳамиятга эгадир. Ҳозирги замон лисоний материлларини синхрон тадқиқ қилишда жуда аниқлик билан социолингвистик тахлилнинг предмети ва бирликларини аниқлаш, тадқиқот жараёнини аввалдан белгилаб олиш, уларни тасвирлаш моделларини ишлаб чиқиш, илгари сурилган концепция ва назарияларнинг тушунарлилик даражасини аниқлаш, уларга оид аниқ терминологик базани яратиш мумкин. Айнан ана шулар орқали бошқа, биздан анча узоқ бўлган даврлардаги тил тараққиётининг хронологик тасвирларини ўрганиш ва улардан диахронологик тадқиқотлар учун фойдаланиш мумкин.

Хорижий тилларни ўргатишда амалий дарсларида диққат ва хаёлни тўплаш машқлари бажарилади. Лаборатория ва мустақил ишларда ажратилган соатларда педагогик вазиятлар ҳосил қилиниб, талабалар ҳамкорлигида эришилади. Бундай масала ёки педагогик вазиятлар

Ўқитувчининг ўқувчилар билан муомола қила билиш малакасини тарбиялашда хизмат қилади. «Педагогик маҳорат» курсининг амалий дарсларидан муаян қисми мактаблар ва коллежларда ўтказилиши мумкин ва улар назарий билимларни мустаҳкамлашни кўзда тутди. «Педагогик маҳорат» фанининг бошқа педагогик тизимдаги фанлардан асосий фарқи шундай, у ўқитувчи ва ўқувчи муносабатларида кенг ижодий имкониятлардан фойдаланиш учун битмас-туганмас ижодий фаолият учун майдон ҳисобланади.

## Адабиётлар рўйхати

1. Каримов И.А. Баркамол авлод орзуси. Шарқ. Тошкент-1999.181 б
2. Каримов «Юксак маънавият енгилмас куч». Т.; Маънавият -2008. 173б.
3. Каримов И.А. Баркамол авлод Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. –Т.: «Шарқ», -1998.32-бет.
4. Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол. Иқтисод, сиёсат, мафкура (нутқлар, мақолалар, суҳбатлар). – Т.: «Ўзбекистон», 1993.
5. Каримов И.А. Ўзбекистон ХХІ асрга интилоқда. –Т.: «Ўзбекистон», 1999. 50-бет.
6. Каримов И.А. Миллий истиқлол мафкура – халқ еътиқоди ва буюк келажакка ишончдир. –Т.: «Ўзбекистон», 2000.12-30 бет.
7. Каримов И.А. Буюк келажак сари. –Т.: «Ўзбекистон», 1992. 41-бет.
8. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. –Т.: «Ўзбекистон», 2003.
9. Абдулла Авлоний. Туркий гулистон ёхуд ахлоқ. – Т.: «Ўқитувчи», 1992. 160-бет.
10. Ахлоқ одобга оид ҳадис намуналари. –Т.: «Фан», 1999. 168-бет.
11. Абдуллаев Ю.Н. Бушуй А. Языки общество. Т.: Фан. 2002. – 370 с.
12. Арнольд И.В. The English word. Изд.во. Просвещение. М.:1966 – 346 р.
13. Ашурова Д.У. Восприятие иноязычного худ. текста. //Преподавание языка и литературы. Т.: 1997. № 1. 46-50 с.
14. Абдуллаева Б. Интерфаол усулардан фойдаланиш. Бошланғич таълим журнали. 2010 йил, 12-сон. 16-бет.
15. Абдусаттарова Х.М. Инновация стратегияси. Тафаккур бўстони. Т., 2012
16. Бушуй А. Язык и действительность. – Самарканд: СамГИИЯ 2005.
17. Бушуй А. Сущность языка как проблема общей лингвистика – Самарканд: СамДЧТИ, 2004. -89с.
18. Бушуй А.М. Взаимоотношение между языком, культурой и обществом // Тил ва маданият. – Самарканд: СамДЧТИ. 2004. С 6-13.
19. Бушуй Т., Сафаров Ш. Тил қурилиши: таҳлил методлари ва методологияси: СамДЧТИ. 2007. –12-19 с .

20. Багданов В.В. Речевые общение: прагматические и семантические аспекты. – Ленинград: Изд-во, 1990 – 89 с.
21. Бархударов Л.С. Язык и перевод. М.: Международные отношения, - 1975. 190 с.
22. Бобоёров М., Бойназаров Ф. Янги педагогик технология асослари (интерфаол дарслар). –Т.: Фалсафа ва ҳуқуқ институти, 2007 йил 8-бет.
23. Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. – Т.: «Шарқ», 1997. 65-бет.
24. Воскобайник г.д. Когнитивный диссонанс и теория перевода. В кн.: Вопросы теории и практики перевода. Вып. 3. Серия Лингвистика. М.: - 2001.
25. Ирискулов М. Матн таърифи масаласи. Т.: -1992 – 140 б.
26. Жондор Тўланов. Қадриятлар фалсафаси. –Т.: «Ўзбекистон» 1998, 335 б.
27. Жавлиев Т. Анъаналар ҳаёт сабоғи. -.Т.: «Ўзбекистон», 1992. 90-бет.
28. Жаббаров А. Аждодлар тажрибаси. Бошланғич таълим журнали. 1996 йил, 5-6 сон, 37-43 бет.
29. Гальперин И.Р. Текст как объект лингвистического исследования. -М.: Наука. 1981 – 140 с.
30. Гальперин И.Р. Текст как объект лингвистического исследования. -М.: Наука. 1981 – 140 с.
31. Иномова М. Оилада болаларнинг маънавий-ахлоқий тарбияси. –Т.: 1999. 152-бет.
32. Ибрагимов Х., Усанов А. Таҳқирланган қадрият тикланмоқда. «Зиёкор» илмий, услубий, ижтимоий ва адабий-бадий ойнома, 2001 йил 8(48)-сон, 17-19 бетлар.
33. Иномова М. Халқ педагогикаси – оилада болаларнинг маънавий-ахлоқий фазилатларини шакллантиришнинг муҳим воситаси. Халқ таълими журнали, 1995 йил, 4-сон. 33-38 бетлар.
34. Иззат Султон. Адабиёт назарияси. – Т.: 1980. 307 б.
35. Искандарова Ш.М. Ўзбек нутқ одатининг мулоқот шакллари. Н.Д.А.

36. Иванова Т.п. Стилистическая интерпретация текста. М.: «Высшая школа» - 1991. 143 с.
37. Ишмухаммедов Ф. ва бошқалар. Таълимда инновацион технологиялар. – Т.: «Истеъдод», 2008. 43-44 б.
38. Ишмухаммедов Р. Инновацион технологиялар ёрдамида таълим самарадорлигини ошириш йўллари. (2-китоб). –Т.: «ТДПУ», 2009. 108 б.
39. Йўлдошев М. Бошланғич синфларда интерфаол таълим. Бошланғич таълим, 2010 йил, 6 б.
40. Йўлдошева М. Яхшилик. Бошланғич таълим журнали. 2007 йил, 2-сон. 10-11, 15-бетлар
41. Кайковус. Қобуснома. –Т.: «Мерос», 1992. 176 б.
42. Комиссаров В.Н. Слова о переводе. (Очерк линг. учения о переводе) – М.: МО. 1973. – 215с.
43. Комиссаров В.Н. Лингвистика перевода. – М.: МО. 1980. – 167с.
44. Кубрякова Е.С. О понятиях дискурса и дискурсивного анализа в современной лингвистике. В кн.: «Прагмалингвистика» Сафаров Ш. Т.: 2008. 254 б.
45. Кучибоев А.К.. Хорижий тилларга ўргатишнинг коммуникатив методикаси. СамДЧТИ. С.,2010.16 б
46. Komissarov. A Manual of translation. М.: - 1990. 140 p.
47. Латышев Л.С. Эквивалентность перевода и способы ее достижения. М.: Международные отношения, - 1981. 248 с.
48. Муминов С.. Расулов Қ. Коммуникантларнинг ижтимоий роли ва нутқий мулоқот ҳақида. Самарқанд. СамДУ. 2007. 70-72 б.
49. Миртурсунов З. Ўзбек халқ педагогикаси. –Т.: «Фан», 1973.
50. Мусурмонова О. Ўқувчиларни маънавий мадаиятини шакллантириш. –Т.: «Фан», 1993. 112-бет.
51. Отамуродов С. Маънавият асослари. –Т.: «Абдулла Қодирий номли халқ мероси нашриёти», 2002.- 44 б.
52. Потенбня А.А. Теоритическая поэтика. М.: «Высшая школа», 1990. – 344 с.

53. Пулатова Д. Ўқувчилар фаоллигини ошириш. Бошланғич таълим. 2010. 11-сон. 27 б.
54. Рахимов Ғ. Социолингвистиканинг долзарб масалалари. Самарқанд-2007.- 35б
55. Сафаров Ш. Прагмалингвистика. Тошкент. 2008:254 б.
56. Сафаров Ш. Когнитив тилшунослик. Сангзор. Жиззах-2006:32 б Самарқанд, 1993 – 27 б.
57. Сафаров Ш. Прагмалингвистика. Ўзб миллий энциклопедияси. Давлат илмий нашриёти. – Тошкент.: 2008. 254 б.
58. Сафаров Ш. Когнитив тилшунослик. “Сангзор”нашриёти. Жиззах.: – 2006. 87 б.
59. Сержантов В.Ф. человек, его природа и смысл бытия. – Ленинград: ПГУ, 1990 – 3360 с.
60. Саломов Ғ., Комилов С. “Дўстлик кўприклари” – Т.: Ғ.Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти. – 1979. 94 б.
61. Султонова д.а. Шеър ва таржима. – Самарқанд. 2009. 143 б.
62. Саидахмедов Н. Янги педагогик технологиялар. –Т.: «Молия», 2003. 16-бет.
63. Сафаров Р. Ўқувчи шахси маънавиятини шакллантирувчи асосий омиллар. Узлуксиз таълим журнали. 2004 йил, 5-сон. 84-бет.
64. Худойбердиев Э. адабиётшуносликка кириш. Т.: “Ўқитувчи”. – 1995. 270 б.
65. Тожиева Ш. Замоноваий ўқитуш усуллари. Бошланғич таълим журнали. 2010 йил, 12-13 бет.
66. Тугаринов В.П. О сенностях жизни и культуры. – Л., 1960.
67. Толипов У., Усмонбоева М. Педагогик технологияларнинг тадбиқий асослари. – Т.:, 2006. 18-бет.
68. Тулинова Ш.Г. Миллий қадриятларнинг тарбиявий аҳамияти. Халқ таълими журнали. 1997 йил, 5-сон, 17-25 бет.

69. Туриёзов Н. Хорижий мамлакатлар лингвистик назарияси. Самарқанд-2007. 576.
70. Усмонов С. Умумий тилшунослик Т.: “Ўқитувчи”174 б
71. Филосовская энциклопедия. –М.: 1970, том 5.
72. Ўзбек педагогикаси антологияси.Сафо Очил умумий таҳрири остида. – Т.: «Ўқитувчи», 1995. 464-бет.
73. Хошимов Ў. Ёқубов И. Инглиз тили ўқитиш методикаси. Т., 2003:295 б.
74. Зуфаров Ш. Таълимда инновацион жараёнларни тизимли бошқруви. Назария, таҳлил, тасниф. Т.: 2010. 6-бет.
75. Шомақсудов Ш., Шорахмедов Ш. Хикматнома. -.Т.: 1990. 525-бет.
76. Қосимова Ҳ. Тўғри тарбия – бахтли юксаклигимиз. Бошланғич таълим журнали, 1997 йил, 9-10 сон, 22-26 бетлар.
77. Қурбонов Т. Одобнома. 9-синф учун дарслик. -.Т.: «Ўқитувчи», 1997. 160-бет.
78. Қўнғиров. Ўзбек тилининг тасвирий воситалари. Т.: - 1977. 110 б.
79. Эркин Юсупов. Қадриятлар ва уларнинг жамият ҳаётидаги ўрни. –Т.: «Университет», 1996.
80. Ўзбекистоннинг янги қонунлари, 18-сон Т-“Адолат” 1988. 4 бет.

### ***Интернет саҳифалар***

- I. [www.google.uz](http://www.google.uz)
- II. [www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)
- III. [www.yandex.ru](http://www.yandex.ru)
- IV. [www.rambler.ru](http://www.rambler.ru)
- V. [www.google.ru](http://www.google.ru)